



Ma'rifat

МАВРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 6 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 79 (7378)



АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

5 октябрь куни АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд қисқа муддатли амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсаройда АҚШ мудофаа вазири билан учрашди. Сўхбат чоғида халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, сентябр ойида АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан кейин Афғонистон борасида юзага келаётган вазият муҳокама қилинди.

Томонлар музокаралар якунида журналистлар билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, халқаро террорчиликка қарши самарали курашиш мақсадида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласини муҳокама қилган.

— Ўта самимий руҳда ўтган сўхбат чоғида жаноб Доналд Рамсфелд билан кўпгина масалалар юзасидан батафсил фикрлашиб олдик, — деди Президент. — Аввало, шуни таъкидлашни истар эдимки, террорни таг-томири билан йўқотиш борасида тузилаётган халқаро коалиция ҳеч бир давлатга, бирор дин-

га қарши қаратилмаган. У фақат террорни ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи марказларни йўқотишни назарда тутди. Ўзбекистон раҳбарияти куни кеча АҚШ Президентининг афғон қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 320 миллион доллар ажратиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекканини тўла қўллаб-қувватлайди.

Ислон Каримов Ўзбекистоннинг мазкур коалициядаги иштироки ҳақида тўхталар экан, айрим масалаларга аниқлик киритди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, Ўзбекистон АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг транспорт самолётлари ва вертолётларига ўз ҳаво кенгликларидан ва мамлакат ҳарбий аэродромларининг биттасидан фойдаланишга рухсат беради. Бу аэродромни истифода этадиган кам сонли транспорт самолёт ва вертолётлари инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш билан шуғулланади, холос. Ўзбекистон ҳудудидан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар ҳамда бомбали ҳужум тадбирлари амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Айни пайтда Ўзбекистон АҚШ билан хавф-

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БАЁНОТИ

Шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан, кейинги вақтда террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асосли маълумотлар билан бир қаторда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бирёклама қарашлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қўлоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва Фарб давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Куни кеча баъзи хорижий ахборот воситаларида Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қиладиган 10-ўқчи дивизия-

си қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гўёки Ўзбекистоннинг аэродромлари деб кўрсатишга уринишмоқда.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелднинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан хорижий матбуот воситаларида бир қанча тахминлар ва ғаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилаётган аксарият хабарларда, кўпинча бўхтондан иборат бўлган ахборот ва тахминларда, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюришини худдики бизнинг орамизда пинҳона тузилаётган қандайдир шартномаларнинг далили деб кўрсатишга уринишмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ва Буюк Британия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти билан телефон орқали бўлган мулоқотларини мана шу маъно-мазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол туғилади: бун-

дай информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатишдан кўзда тутилган мақсад нима?

Биринчидан, бу ҳолни бизни кўролмайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганини кўриб қайфияти бузилаётган кучларнинг ғаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информацион хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган ифвогарлик ҳаракатларининг намойишини кўриш мумкин.

Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад - минтақамизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб одамларни саросимага солиш, уларнинг юрагида гулгула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, одам ҳар қуни мана шундай уйдирмаларни эшитаверса, беихтиёр хавотир ва ташвишга тушиши, ўзига ўзи тинчлигини

(Давоми 2-бетда)

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

Анжуман аввалида Президентимиз оммавий ахборот воситалари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари АҚШда амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик ҳуружларидан сўнг Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқе-

алар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар тарқатилаётганини таъкидлаб, уларнинг баъзиларида Ўзбекистонга нисбатан тўхмат гаплар ҳам борлигини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари дунёнинг аксарият мамлакатлари бугунги кунда террорчиларга қарши бошланган курашга қўшилганини ва Ўзбекистон ҳам бу курашдан четда турмаслигини яна

бир бор таъкидлади.

— Терроризмга қарши кураш бизнинг юри-таётган сиёсатимизга тўла мос келади, — деди Президент. — Бу курашни изчил амалга ошириш ва терроризмни ер юзидан таг-томири билан қўпориб ташлаш зарур.

Ислон Каримов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎЗА)

Узлуксиз таълимда
«Мактаб-боғча»
мажмуаси
4-бет

Ўқувчи қачон
фаол иштирокчи
бўлади?
5-бет

Ҳақиқатпарвар
шоир
эътирофлари
6-бет

Технология:
мақсад, йўл,
натижа
7-бет

Генетиканинг
туғилиши
13-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг

БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

миз, болаларимизнинг эртанги тақдири нима бўлади, деб савол бериши, безовта бўлиши — бу ҳам табиий бир ҳол.

Ачинарлиси шундаки, бизнинг матбуот ва телевидениемиз бу масала бўйича халқимизга ўз вақтида зарур ахборот ва тушунтириш беролмаяпти, оқибатда жамоатчилигимиз хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларнинг ҳақиқий ёки сохталигини ажратишга қийналмоқда.

Матбуотимиз бундай мураккаб ҳолатларда ҳали тажрибаси етишмаслигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, бу информация хуруж ташкилотчилари хоҳлайдими, йўқми, аввало, ўзининг мафкуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб терроризмга, XXI аср вабоси бўлмиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кучларни, одамларни йўлдан оғдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа туғдиришга уринмоқда.

Тўртинчидан, бугун яна шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кучларини бунга сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзда ва баландпарвоз баёнотларда билдирмоқдалар. Амалда эса афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очиқ айтадиган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлат арбобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Яъни, эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги ҳукуматда қандай кучлар ва қайси давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлади, деган саволлар ва ташвишлар билан овера.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳшиётна, муджиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қуролроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, кўпуровчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўн таятган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузу-

ми ва қарашларидан қатъий назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқро ҳамжамиятнинг қатъий ятлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти.

Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки "Толибон" ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади муджиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб такрор-такрор айтмоқда.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, бугун барчани қизиқтираётган масала — бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулдандан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз унутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли худудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг кўпуровчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсон-

ларнинг умри хазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабих кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларига Сарисийда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардоримиз.

Бугун "Толибон" биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Қобулда, Қандаҳор ёки Жалолободда бўладими, ҳарбий лагерларда одамқушликни касб қилиб, Ҳайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний "Толибон" армиясининг қўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани аңлатмайдими?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу муджиш кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида кўндаланг бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик хуружи

бошланса, биз бу бало-қазони бартараф этиш учун кимдан, қаердан кўмак ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Куролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-этиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чехрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхта-мас, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмай-дими?

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволлар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан кўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган муджиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлғиз бўлиб қолмаймизми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қур-

бон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам беришти? Ёрдам у ёқда турсин, ўзини "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб атайдиган босқинчи тўда билан сиёсий "ўйин" қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайдо бўлганини ҳам кўриб туриб-миз. Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти.

Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб бораёмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципиал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, мудофаа вазири жаноб Рамсфелд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ердаги ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт — юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг худудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговор операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг худудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқро ҳуқуқ мезонларига мос келади.

АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

сизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйишга ҳам тайёр.

— Шу кунларда томонларнинг мажбурият ва кафолатларини белгилаб берувчи икки томонлама ҳужжат тайёрланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай махфий музокаралар бўлгани, сир тутиладиган қарорлар қабул қилингани йўқ. Мазкур ҳужжат тайёр бўлгач, албатта, жамоатчилик ундан

хабардор бўлади. Шуни ҳам тақрорламоқчиманки, Ўзбекистон уч йилдан буён террордан бевосита ўзи жабр кўрмоқда. Шу маънода, биз бу иллатга қарши курашга бел боғлаган халқаро коалициядан четда тура олмаймиз.

АҚШ мудофаа вазири ҳам суҳбат самимий руҳда ўтгани ва ғоят сермазмун бўлганини айтди. У Ислон Каримовга Оқ уй раҳбарининг саломини етказганини, кечаётган воқеаларга тезкор муносабат билдиргани ва ҳозиржавоблик кўрсатгани боис АҚШ Президенти

Жорж Буш Ўзбекистон раҳбаридан ғоят миннатдор эканлигини таъкидлади.

— Ислон Каримовнинг сўзларини тасдиқлаб, шуни айтаманки, халқаро коалиция бирор давлат ё бирор динга эътиқод қилувчиларга қарши қаратилмаган, — деди меҳмон. — Мақсад сентябр ойида АҚШда амалга оширилган, шунингдек, содир этилган бошқа террорчилик ҳаракатлари айбдорларини қидириб топиб, жазолаш ва бундай воқеалар минбаъд қайтарилмаслигига амин бўлишдир.

(ЎЗА)

Маълумки, тарбияланувчи бола ёки ўқувчи таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, билимларнинг пойдеворини умумий ўрта таълим мактабларида эгаллайди. Айни шу боис ҳам ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган таълимдаги ислохотларнинг мактабларда ўз аксини топиши жуда муҳимдир. Зеро, бу фикрни ўз даврида улуғ маъри-

лимнинг ривожига ошқора тўсқинлик қилган рус чоризмининг тазйиқига ҳам қарамасдан, маҳаллий аҳоли фарзандларининг таълим-тарбия олишида ўз амалий ишлари билан ўрнак ҳам бўла олган. Агар тарихга назар ташласак, юртимизда мана шу эзгу мақсад йўлида намуна кўрсатган боболаримиз кўп ўтган.

ли ишларга қўл урилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мактаб жорий йилда ҳомий ташкилот ва ота-оналарнинг беғараз кўмаги ва саъй-ҳаракати билан тўлиқ таъмирдан чиқарилган бўлса, янги ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш, синфхоналарни жиҳозлашда ҳам уларнинг мадади асқотди.

Бундан ташқари Ж.Ҳамроев, Н.Ҳасанов, Б.Абдуллаев, М.Мажи-дов, Г.Козимов, У.Жабборов ҳамда М.Очилов каби саховатли инсонларнинг ҳиммати билан мактабимизнинг китобсевар ўқувчилари кутубхонадан жой олган жаҳон ва ўзбек адабларининг нодир асарлари билан яқиндан сирдош бўлиш имкониятига эга бўлган бўлсалар, олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган битирувчи синф ўқувчилари турли илмий китоблар билан бир қаторда давлат Тест маркази томонидан нашр этилаётган тест саволлари билан ҳозирдан танишиб бормоқдалар.

Шаҳодат НАРЗУЛЛАЕВА,
Жондор туманидаги 5-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

САХОВАТПЕША ҲОМИЙЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

фатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам эътироф этиб, "Мактаб — дунё иморотларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққий ривожига ижтиҳод қилурлар" дея таъкидлаган эдилар. Бунга эса юртимизни истило қилган ва халқимизни жаҳолат ботқоғида ушлаб туриш мақсадида таъ-

Эътибор берадиган бўлсак, саховатпеша, бағри кенг халқимиз томонидан кейинги 10 йил ичида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён, айниқса, таълим соҳасида юксак чўққига кўтарилди, десак янглишмаймиз.

Бундай хайрли ишлар Бухоро вилоятида ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, биргина ўзим ишлаётган Жондор туманидаги 5-мактаб мисолида оладиган бўлсак, шу кунгача кўплаб хайр-

«ЗИЁ»НИНГ ДОВРУҒИ

тажрибали педагог 259 ўқувчига таълим бермоқда. Уларнинг саккиз нафари олий тоифали ўқитувчилардир. 18 та ўқув хоналарининг барчаси тегишли фанлар учун мослаштирилган, Х.Ҳайдарова, О.Мирзаев, О.Юсупова, Ф. Аскар, А.Жўраев каби моҳир муаллимларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1998 йили ўқувчиларимиз республика телевидениесининг "Акс-садо" кўрсатувида иштирок этишди. Уларнинг уч нафари — Э.Орипов, Х.Обидов, О.Мамаризаевлар Президентимиз И.Каримов дастхати битилган китоблар билан тақдирланишди.

"Зиё" лицейида эришилаётган муваффақиятлар асосида таълимнинг ноанъанавий усулда — "оддийдан мураккабга" тамойили бўйича дарс олиб бориш, жадвал асосида репетиторлик, ихтисослар бўйича йўналишларга бўлиб ўқитиш, кўшимча машғулотлар ўтказиш эвазига эришилмоқда. Энг асосийси, муаллимлар ўз ўқувчиларининг фанларга бўлган қизиқишларини орттира боришади...

Биз дарсларни кузатар эканмиз, ўқувчилар бизга актёрларни, ўқитувчи режиссёрни, дарс жараёнининг ўзи эса спектаклни эслатди. Ҳамма ўқувчилар "спектакль" иштирокчиси сифатида тенг қатнашаётганларининг гувоҳи бўлдик. Хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилининг ўқитилиши яхши йўлга қўйилганлиги боис, аксарият, ўқувчилар ана шу тилда бемалол суҳбатлашиш кўникмасига эга. Бунда лицей директори — инглиз тили мутахассиси С.Сотволдиеванинг ҳиссаси катта.

Салкам беш йил аввал яхши ният билан очилган "Зиё" лицейи ишонччи тўла оқлади, десак хато бўлмайди. Бундан буён таълим-тарбия ишларини сусайтирмай, уларни янада юқори поғонага кўтариш фақат педагоглар жамоасига боғлиқ. Бунда уларга омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ

Обуна—2002

«Ma'rifat» ИНГИЗ САЛМОҒИ ОШАДИ

Муҳтарам муштарий, мана йил яна бир айланиб обуна мавсумини ҳам бошлаб юбордик. Ўз тарихида мамлакатимиз зиёлиларига доимий ҳамнафас бўлиб келаётган, эндиликда Сизга чинакам маслакдош бўлиб бораётган газетангиз "Ma'rifat"га ҳам келаси йил учун обуна бўлишни унутманг.

Энг асосийси, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида энг муҳим воқеа — "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичининг амалга оширилиши жараёнидаги илмий, амалий ишлар хусусида тўла маълумот олиш имкониятини кўлга киритасиз, қолаверса, мутахассисларнинг амалий тақлиф ва тавсиялари билан ўз вақтида ахборотга эга бўласиз.

"Ma'rifat"да ўз фаолиятингизда асқотадиган фикрлар, мулоҳазалар, ранг-баранг мавзудаги мақолалар билан танишасиз.

Қисқаси, таълим тизимидаги "қайноқ" янгиликлардан бохабар бўласиз.

ЯНА БИР ЯНГИЛИК!


"Ma'rifat" келаси йилдан бошлаб ўз ҳажминини (жорий йилдагисининг 3/1 га) кенгайтиради. Мақсадимиз — Сиз азиз муштарийларга, аввало, манба бўладиган материаллар, турфа хил мавзуларда қизиқарли мақолалар, ўзгараётган олам, ҳаёт қувончлари, турмуш ташвишлари хусусида атрофлича маълумотлар ҳада этиш.

Янги аср — ахборот асрида барча соҳалар янгиликларидан хабардор бўлганга нима етсин.

Бунинг учун "Ma'rifat"га обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар учун — 150
Ташкилотлар учун — 149.





Таълим тизимининг пойдевори ҳисобланган мактабгача ва бошланғич таълимнинг узвийлигини таъминлашда "Мактаб-боғча" мажмуаларининг ўрни бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда шаҳримизда 24 та ана шундай мажмуалар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Таълим тизимидаги бундай мажмуаларга бўлган эҳтиёж ва талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Таъкидлашга арзирли жойи шундаки, мажмуада ота-оналарга катта қулайликлар яратилган. Қулайлиги нимада дерсиз? Ахир, кечгача ўз фарзандлари тўғрисида қайғурмай, бемалол меҳнат қилсалар, Ватанимиз равнақига ҳиссалари шунча кўп бўлади.

Бизнинг "Бошланғич мактаб-боғча" мажмуамиз 1995 йилдан буён фаолият кўрсатаётир. 1999 йилнинг 7 апрелидан бошлаб эса, "Ихтисослашган мактаб-боғча" мажмуаси мақомини олиш билан биргаликда, туманимизда биринчилардан бўлиб ўз ҳисоб-китоб рақамини очиб, мустақил юридик шахс мақомига эга бўлди. Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларига замин яратиш мақсадида уларга Зангиота туманида жойлашган "Тошкент" ширкатидан табиий сут ва "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига қарашли "1-новвойхона"дан ҳар куни янги ёпилган нон маҳсулотлари етказилиб берилмоқда.

Мажмуамиз тарбияланувчи ва ўқувчиларга инглиз тили ва ЭХМ асосларини ўргатишга ихтисослаштирилган. Мунтазам тарзда тақомиллашиб борувчи мактабгача ва бошланғич таълим болани ривожлантирувчи аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ижодий фаолияти кутилаётган натижаларни бермоқда. Шундай ҳамкорликнинг маҳсули сифатида ҳозирги кунга келиб илгор ўқитувчимиз Л.А.Апеева томонидан яратилган "Бошланғич мактабга тайёрлашнинг ноанъанавий усуллари" ва "Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг оғзаки нутқларини ўстириш" юзасидан услубий қўлланмалари асосида бугунги кунда шаҳримиздаги 130 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари мактабга тайёрланмоқдалар. Шунингдек, 1-синф ўқувчилари учун яратилган муқобил "Математика" дарслигининг муаллифи М.Аҳмедов билан ҳамкорликда "Болаларни мактабга тайёрлаш таянч дастури" мажмуа учун алоҳида қайта ишланиб, келгуси ўқув йилидан бошлаб синовдан ўтказилиши режалаштирилган.

Тайёрлов гуруҳида болаларни мактабга тайёргарлик даражасига қўйиладиган педагогик, психологик талабларнинг бажарилиши боланинг онги, тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш, ривожлантириш, унда ўрганиш ва таълим жараёнига нисбатан қизиқиш ҳамда би-

лим олишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга ёрдам беради. Бу масалада дидактик материаллар ва ривожлантирувчи ўқув қуроллари билан таъминланиш Давлат талабларининг бажарилишига замин яратади.

Янги педагогик технологиялардан бири бўлган компьютер сабоқларининг боғча гуруҳларидан бошлаб қўлланилиши, айниқса, фарзандларимизнинг билимга бўлган ҳава-

Мажмуага ўқувчиларни 1-синфга қабул қилиш тест-синов топшириқлари асосида ўтказилади. Бунда ТошДПУ психология кафедрасининг ўқитувчилари "ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик шартномаси" асосида яқиндан ёрдам бериб, ҳар йилги тест-синов топшириқларининг давр талабига мос равишда бўлишини илмий жиҳатдан таъминлаб келишмоқда. Мазкур жараёнда боланинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятлар ота-оналарининг ҳузурда аниқланиб, уни ривожлантириш масалалари юзасидан керакли маслаҳатлар берилди.

Ҳар бир синфда ўқувчилар билим даражасининг рейтинг асосидаги диагностик таҳлили мавжуд бўлиб, унда ота-оналар учун фарзандларининг қайси фанлардан илғору қайси биридан оқсаётганликлари тўғрисида ахборот берилган. Мажмуа кўзгусида эса умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида барча ўқувчилардан ҳар бирининг неча балл йиғиб, нечанчи ўринда эканликлари ва қандай натижаларга эришганликлари

Direktor minbari

эпчилу ким чакқон" телекўрсатувини бошлаб беришди. Унча "Катта танаффус" телекўрсатувларида муваффақиятли қатнашиб келишган. Бугунги кунда уч нафар битирувчимиз "Ёшлар" телеканалда суҳандон бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзаро халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида АҚШнинг "Тинчлик корпуси" томонидан яратилган "Бошланғич синфларда инглиз тилига ўқитиш" дастурини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бевосита ёрдами туфайли мажмуамизда шу ўқув йилидан бошлаб амалда қўллаб бошладик. Бу ишда Огайю штатидан республикага ташириб буюрган кўнгилли Эрика Сринивасан Гита хоним билан ҳамкорлик тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттирмақда.

Мажмуа ташкил этилганидан буён ўзимиз тарбиялаб чиқарган 80 нафар ўқувчиларимиз бугунги кунда шаҳримиздаги умумтаълим мактабларининг юқори синфларида таълим жараёнини муваффақият билан давом эттирмақдалар. Уларнинг 70 фоиздан ортиги инглиз тилига ихтисослашган 6-мактабда ўқишларини давом эттираётганликларини ҳисобга олиб, шу ўқув йилидан бошлаб ўқитувчилар ва раҳбарларнинг ижодий ҳамкорлиги режа асосида амалга оширилмоқда. Собиқ ўқувчиларимизни ана шу ва бошқа мактабларда таълим жараёнидаги фаолиятлари юзасидан олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, ўзлари ўқиётган синфларнинг сардорлари, энг фаол ўқувчилари бўлиш билан бир қаторда барча фанлар бўйича юқори (ўртача 85.1. сифат даражаси)га эришиб келмоқдалар.

"Ихтисослашган мактаб"лар Низомининг шу ўқув йили охиригача тасдиқланиши бу борадаги фаолиятимизга ижобий самара беради, деган умиддамиз.

Қузатувлар таҳлили яна шуни кўрсатадики, мажмуаларда таълим олган ўқувчилар билим ва кўникмаларига бўлган қатъий ишонч, уни керакли ерда ишотлай олишлари, мантикий тафаккури, бошқа мактабларда қисқа даврда эгаллаб олган мавқелари, мустақил фикрлай олишлари билан қолган умумтаълим мактабларининг ўқувчиларидан кескин фарқ қиладилар. Шу ўринда бир тақлиф: болалар сони камайиб кетаётган болаларнинг фаолияти қайта кўрилади, улар ўрнида "Мактаб-боғча" мажмуаларини ташкил этиш давр руҳига ҳамоҳанг иш бўлиб эди.

Ҳамид ХўҲАХОНОВ,
Сирғали туманидаги
318-ихтисослаштирилган
мактаб-боғча мажмуаси
директори

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА "МАКТАБ-БОҒЧА" МАЖМУАСИ



си ва эҳтиёжини шакллантиришда ўз самарасини кўрсатмоқда. Тошкент давлат педагогика университетининг доценти Б.Қурбонбоев ва Тошкент шаҳридаги 40-мактаб жамоаси билан ЭХМ дастурлари, уларни қўллаш ва синовдан ўтказиш юзасидан ўзаро ижодий ҳамкорликда болалар ва ўқувчилар учун яратилаётган янги дастурлар амалда қўлланилмоқда. Шу билан бир қаторда "ПРАВЕЦ-С" русумли ЭХМларига мўлжалланган дастурлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмаётганлиги ҳаммамизга маълум. Янги педагогик инновацион технологияларнинг қўлланилиши асосан замонавий янги русумли ЭХМларга мўлжалланганлигини ҳисобга олиб, мажмуаларни шундай компьютерлар билан таъминланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида мажмуадаги психологик хизмат ва унинг ташхис маркази билан 1998 йилдан бери ўтказилаётган ҳамкорлиги натижасида 131 нафар 6 ёшли ўқувчиларнинг мажмуадаги таълим-тарбия жараёнида ўзлаштириш мониторинги, собиқ ўқувчиларимизнинг бошқа умумтаълим мактабларидаги фаолиятлари мунтазам равишда таҳлил қилиниб борилади. Аниқланган ютуқ ва камчиликлар келгусидаги ишларимизда инобатга олинади.

ўз аксини топган.

Бошланғич таълимнинг бош йўналиши боланинг баркамоллик томон ривожланишини белгилайди. Мажмуадаги ҳар бир ўқувчига ўз фикрини мустақил равишда ифода этиб, ўзлигини англай оладиган, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга содиқ баркамол инсонни тарбиялаш вазифасини амалга оширишда муайян тадбирлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларимиз республикамизда биринчилардан бўлиб "Янги авлод" студиясининг "Ким



БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ ҲАММАГА ТАТИДИ

Кўқон шаҳрида ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ташкил этилган "Гул байрами"да Истиқлол кўчаси одамлар билан гавжум бўлди. Узунлиги қарийб 150 метр келадиган кенг кўча турфа гулларга бурқанди. Байрамда таълим-тарбия муассасалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари қатнашдилар. Томошабинлар эса гўзал Кўқон шаҳрининг тумонат халқи эди.

Кўқонликлар тадбирни "Гул байрами" деб аташибди. Аслида бунга табиат байрамига, таълим-тарбия муассасалари байрамига менгаш мумкин эди. Чунки ўқитувчи ва ўқувчилар майдонга нафақат гулларни, балки тирик бурчак, ижодий қўл меҳнати намуналари, мактаб ва боғчалар ҳаётига оид кўргазмалар, тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотларини ҳам олиб чиқишди. 29-мактабнинг нозик дидли жамоаси асфальтга турфа рангга бўялган ёғоч қипиғидан Ер шарининг аксини чиқишди. Унинг марказида "Терроризмга ўрин йўқ" деган ёзув битилган.

Ўқув даргоҳининг 300 та тўвақда 150 хил гули борлиги ҳам таҳсинга сазовордир. Бундан ташқари 22, 32-мактаб ва бир қанча мактабгача таълим муассасалари ҳам ушбу байрамга энг яхши, энг гўзал ҳисобланган гулларини, қушларини, японча товук, тўти, қуён, мушқдан ташкил топган тирик бурчакни йиғилганларга намоиш қилишди.

Кўкаламзорлаштириш корхонасининг бир-бирдан гўзал, гуркираб ўсган гуллар каттагина майдонни эгаллагани. Уларнинг ранг-баранглиги кўзларни қувонтиради. Бу гуллар сотувга ҳам қўйилди.

Тадбирда иштирок этган барча жамоалар муносиб тақдирландилар. Зеро, иштирокчиларнинг барчаси бунга лойиқ эди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ДОИМИЙ КУРСЛАР ИШ БОШЛАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ЎМКХТ тизими ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда таълим мазмунини тақомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнда камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг жойларда доимий малакасини

Malaka oshirish

ошириш дастури" тақдим этилди.

Ушбу дастурга мувофиқ, тизимда меҳнат қилаётган умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш доимий равишда белгиланган илм масканларида олиб бориладиган бўлди. Малака ошириш дарсларини етуқ мутахассислар ва турли даражадаги фан арбоблари олиб борадилар.

МУХБИРИМИЗ

Маълумки, ўқувчи дарс жараёнида асосий куч, бироқ у фақат эшитувчи эмас. Шу боис, у дарс моҳиятини англаб етувчи, мустақил фикрловчи кучга айланмоғи керак. Бу эса ўз навбатида ўқитувчидан ўз танлаган соҳасининг етук билимдони бўлиши талаб қилади.

Ўқувчининг мустақил фикрлашига имконият яратишимиз учун, менимча, ўтиладиган мавзуларни олдиндан ўқувчиларга вазифа сифатида берилса, ижобий натижага эришилади. Чунки бу билан ўқитувчи ўқувчининг фақат адабиётдан олган фикрларига асосланиб эмас, изланишига, қўшимча адабиётларни мутолаа қилишига, умуман, мушоҳада юритиши-

Fikr

нинг ишлари, фикрлари билан танишишда қийинчилик юзага келмайди. Аксинча, жойларда мутахассисларнинг масъулиятини оширади ва ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади.

Ёшларни ижодкорликка йўналтириш, таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, бугунги ўқитувчи ўқувчида, аввало, ўз устида ишлашга қизиқиш, янгиликка интилиш ҳиссини ўйотиши зарур. Энди ўқувчида, "сен шунга ўқийсан" эмас, аксинча, талаба ўзи олдида, "шунга ўқишим, билишим, янгилик яратишим муҳим" деб билсин. Қолаверса, ўқитувчи

ЎҚУВЧИ ҚАЧОН ФАОЛ ИШТИРОКЧИ БЎЛАДИ?

га чорлайди. Бунинг натижасида эса кенг фикрловчи ижодкор ўқувчидан келгусида етук мутахассис кадрлар етишиб чиқиши аниқ.

Таълимда бир хилликдан воз кечиш, янгиликка интилиш, янги педагогик инновацияларни дарсга татбиқ қилиш, энг самаралиларини танлаб, ҳаётга жорий қилиш механизмининг яратиш бутуннинг долзарб вазифасидир. Бунинг учун фикримча, ҳозирда ҳар бир мактаб ва институтларда ўзига хос услубий марказлар ташкил қилиниб, уларда фаолият юритаётган изланувчан мураббийлар илмий хулосаларини матбуотда кенг ёритиш, шунинг асосида мунозаралар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали таълим ва амалиёт уйғунлиги вужудга келади. Шу ўринда яна бир фикр. Ҳозирда изланувчан мутахассислар, мактаб ва институтларнинг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган. Буни яхшилашнинг муҳим томони шундаки, мактаб ва жамоа-

дарс мобайнида уларда юрти- мизнинг мустақиллиги, унинг туб моҳиятини, истиқлол отабоболаримиз, фидойи инсонларимизнинг кўрган қанчадан қанча қийинчиликлари эвазига келганлигини англашсин. Бу билан уларда ўтмиш алломаларимизнинг илмий ва ижодий ишларини ўрганиш ва меросларини авайлашга ўргатиш, улардан фахрланиш туйғусини уйғотиш лозим. Аммо шунга ачинаш билан айтиш жоизки, ҳанузгача жойларда зерикарли дарсларнинг ўтилиши натижасида ўқувчи ва талабалар мустақил фикр, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришдан йироқда. Демак, замонавий таълимда, дарсда, аввало, ўқувчи асосий куч бўлиши, мустақил ўқиши, ўрганиши лозим. Шундагина фарзандларимиз эртага етук, эл корига ярайдиган, юрт равнақиға ҳисса қўшувчи кадрлар бўлиб етишадилар.

Давир ТҲЛИЕВ,
ТВДПИ профессори,
Муҳаррам СУЯРОВА,
Эрназар ХОЛМИРЗАЕВ,
ўқитувчи

ЎЗБЕК-НЕМИС
ЛОЙИХАСИ
АМАЛДА

Бугунги кунда барчамиз мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг мазмунини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётганлигининг, замон талабларига жавоб берувчи ўзгаришлар содир этилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мана бир неча йилдирки, республикаимизда ЎМКХТ мазмунини такомиллаштириш мақсадида ўзбек-немис лойиҳаси асосида кадрлар тайёрлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бухоро иқтисодий ва банк коллежида ушбу халқаро лойиҳани амалиётда қўллаш ишла-

Xalqaro
hamkorlik

ри бундан 2-3 йил олдин бошланган.

Бу ерда мазкур ўзбек-немис лойиҳаси асосида илк маротаба 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб "Офис менежери" мутахассислигига талабалар қабул қилиниб, улар айна пайтда ўз билими, кўникмаларини ошириб келмоқда. Келгусида бу касбни эгаллаганлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ташкилий ва молиявий ишлар бўйича директор ёрдамчиси, раҳбар ассистенти ва маслаҳатчиси сифатида фаолият юритадилар.

Ана шундай гуруҳларда дарс берувчи ўқитувчилар бир неча маротаба Германия шаҳарлари, шунингдек, Павлодар, Олмаота, Бишкек ҳамда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малака ошириш курсларида қатнашиб, тажриба ўрганиб келишди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида Германия техник ҳамкорлик маркази коллежга 100 минг марка ажратди. Шу маблаг эвазига билим даргоҳининг синф хоналари замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди. Бундан ташқари Германия техник маркази билим даргоҳига махсус ўқув дарсликлари, дастурлар, техник жиҳозлар сотиб олишга 5,5 миллион сўм ажратмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Яқинда дарс ўтгани аудиторияга кириб, таажжубландим, йигирмадан ортиқ талаба жўр бўлиб "Ассалому алайкум, хурматли устоз!" дейишди. Бу мен учун мутлақо қутилмаган янгилик эди. Бу янгиликнинг келиб чиқиш сабабини сўрадим. Айтишларича, бу янгилик ўрта мактабларда аллақачон жорий этилган, айрим ўқитувчилар буни талабалардан талаб қилишаётган ҳам экан.

Хўш, у ҳолда улуғ аждодларимизнинг минг йиллар давомида шакланган саломлашиш одоби, муомала маданияти қаёқда қолди? "Қобуснома", "Одобул солиҳин", "Адаб дурдоналари" сингари нодир асарлар, ҳадис ва пандномаларда саломлашиш одоби батафсил баён қилинган-ку!

Шуни таъкидлаш жоизки,

Mulohaza

бошқа нарса эмас. Жамоат жойларида овоз чиқариб саломлашмайди; кадрдон кишилар билан шунчаки кўз уриштириб, ишора қилиш билан кифояланилади. Шунингдек, дастурхон устида қўл олиб сўрашилмайди. Дарсга кеч қолиб келган талаба ёки ўқувчи саломлашиши эмас, балки узр сўраши лозим.

Саломлашишнинг бундай оддий, аммо мантқан асосли қоидалари асрлар синовидан ўтган. Бу қоидаларни ислоҳ қилишга зарурат борми?

Тилимизга давлат тили мақоми берилганлиги буюк ютугимиздир. Бироқ афсуски, тилга бўлган хурматни, муносабатни нотўғри талқин

СИЗ НИМА
ДЕЙСИЗ?

саломлашишда кишиларнинг эгаллаб турган лавозими, социал мақоми, ижтимоий келиб чиқиши ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳатто ҳарбий қисмларда ҳам бу қоидага қатъий амал қилинади. Зобит ҳарбий унвони ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, кўпчилик аскарларга биринчи бўлиб салом беради: "Ассалому алайкум, аскарлар!". Бунга жавобан аскарлар бир овоздан: "Сизга соғлик тилаймиз, муҳтарам генерал!", деб саломлашадилар.

Саломлашишда ҳаммаша аниқ вазият ҳисобга олинади. Одатда кичик ёшдагилар ёши улуғ одамларга биринчи бўлиб салом берадилар. Ташқаридан ичкарига кириб келган одам, ёшидан қатъи назар, кўпчиликка биринчи бўлиб салом беради. Ўқувчи ёки талабаларнинг ўқитувчини кўришлари биланоқ ўринларидан турган ҳолда сукут сақлаб туришларининг ўзи хурмат белгисидир.

Одатда бир кунда бир марта саломлашилади. Бир мартадан ортиқча саломлашиш маъносиз, хушомадгўйликдан

қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Масалан, айрим русча сўз бирикмалари нотўғри ишлатилаёттир. Рус тилидаги "учёный совет" ўзбек тилида "илмий кенгаш" деб қўлланилади. Ҳолбуки буни "олимлар кенгаши" деб ишлатсак мантқан тўғри бўлади. Олимлар кенгашида университет ҳаётига оид хилма-хил масалалар муҳокама этилиши, қарор қабул қилинишини эътиборга олсак, уни илмий кенгаш дейиш хато эканлиги англашилади. Илмий кенгашда фақат илмга оид масалаларгина муҳокама қилинади. Шу маънода диссертациялар ҳимоясига қаратилган махсус кенгашлар "ихтисослашган илмий кенгаш" дейилиши тўғридир.

Буюк француз мутафаккири Рене Декарт сўзлари билан айтганда, биз тушунчаларга аниқлик киритиш билан дунёни ярим адашишлардан қутқарамиз, бир-биримизни тез ва осон тушунамиз.

Кодиркул РЎЗМАТЗОДА,
Фаргона Давлат
университети социология
кафедрасининг доценти,
фалсафа фанлари
номзоди

Пойтахт вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 4- "Пахтаой" болалар боғчаси намунали таълим-тарбия масканларидан ҳисобланади. Болалар гулшанида 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 300 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаёттир. Боғчада таълим-тарбия жисмоний тарбияга йўналтирилган. Ширинтойлар спортнинг тазквандо тури билан шуғулланмоқдалар. Масканда спорт зали ва мусиқа хоналари мавжуд. Спорт залида жисмоний тарбияга оид барча жиҳозлар — гимнастика скамейкалари, обруч, нарвон, мувозанат сақлаш учун махсус халтачалар, мат, катта-кичик коптоклар бор. Тарбиячилар жисмоний тарбияни мурғак қалбларнинг ёшига мос равишда қизиқарли ташкил этмоқдалар. Болажонлар машғулотларда инглиз тилини ҳам ўрганаёттирлар. Нутқида нуқсон бўлган 30 нафар бола билан логопедлар — Ўлмасой Муратова ҳамда Валентина Зайцевалар шуғулланаёттирлар.

ҲОМИЙЛАР
ҲИММАТИ

Мусиқа раҳбарлари Зарифа Мауленова, Санобар Чемирова, Хайло Геня нозик қалбларни нафосат оламидан баҳраманд этмоқдалар. Боғчада рақс ва шашка тўғараклари болажонлар хизматида.

Болалар гулшанидаги яқшанбалик мактабида болалар боғчаларига жалб этилмаган 10 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари олий тоифали тарбиячи Гулнора Номозбоева раҳбарлигида "Мактабгача таълим дастури" асосида жорий йилнинг январидан май ойигача мактаб таълимига ҳозирланди. Болалар боғчаси 2, 9, 52-мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Maktabgacha ta'lim

— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таъкидланганидек,— деди болалар боғчаси мудири, 37 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Мамлакат Аширбоева, — таълим узлуксизлиги таъминланса, яъни инглиз тилини ўрганган болажонларимиз мактабларнинг 1-синфларида ҳам инглиз тилини ўрганишни давом эттирсалар, нур устига нур бўлур эди. Кичикинтойлар маскани ота-оналар ҳамда Бектемир пахта тозалаш заводи (директори Маҳмуд Бобононов) ҳомийлигида ёзги таъмирдан чиқарилди ҳамда киш мавсумига тайёрланди. Улар боғчани ошхона жиҳозлари билан таъминлашда ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Дилбар ХҲЖАЕВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Navoiyshunoslik

Алишер Навоий мумтоз газалнавис, дostonнавис, шу билан бирга мусулмон шарқининг Аҳвадиддин Анварий, Ҳоқоний Ширвоний ва Хусрав Дехлавий каби форсийда номдор қасидаанавислар асарлари билан бўйлашаоладиган манзур шеърят яратган улуг шоирдир. Навоийнинг устози Мавлоно Лутфий ҳақида сўз очиб, "форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур" деган юксак баҳосини бу буюк истеъдод эгасининг ўзига нисбатан ҳам қўллаш ўринлидир.

Алишер Навоийнинг форс тилидаги лирик асарларини ўзида жамлаган "Девони Фоний" муқаддимасидан ўрин олган "Ситтаи зарурия" ("Олти зарурия") ва "Фусули арбаа" ("Тўрт фасл") қасидалар мажмуалари мавжуд.

"Ситтаи зарурия"нинг дастлабки асарларидан "Қасидаи, "Рух ул-қудс" тавҳиди бори таоло", "Қасидаи "Айн ул-ҳаёт" дар наъти Расули алайх ас-саловат" атамаларига эга бўлиб, уларнинг мундарижаси сарлавҳаларидан англашилиб туради. "Ситтаи зарурия"нинг кейинги қасидалари ҳам "Кут ул-қулб" ("Рух фисоси"), "Минҳож ун-нажот" ("Нажот йўли"), "Тухфат ул-афкор" ("Фикрлар совғаси"), "Насим ул-хулд" ("Жаннат шамоли") номлари билан маълум.

Уларда шоир заррадан қуёшгача: инсоният, жамодот, наботат олами Оллоҳнинг иродаси билан яралгани, уларнинг бир-бири билан боғланган ҳолда ҳаракатда эканлигини айтади. Навоий инсон ботинидаги мўъжизаларни бир нуқтага тўплаб, ташбеҳлар, жонлантиришлар воситасида Оллоҳ улуғворлигини таъкидлаб ёзади: "Сен бадан шарида ажойиб мамлакат яратдинг. Унда еру кўкда нимаики мавжуд бўлса ҳаммаси бор эди. Сўнг димоғ қасрига ақлдан зиё таратдинг. Одам танасида кўнгилни шохлик тахтига ўтказдинг. У тана мулкани султонлар одати бўйича бошқара бошлади. Ақл ул шохнинг вазирлигига тайин этилди. Гадою шоху вазирлар сенга камтарин бандадирлар".

Инсон илм-маърифатдан баҳравар бўлар экан, Худони билиш илмига йўл очилади. Худони таниган одам оламни танийди, ўзлигини англай бошлайди, комиллик йўлида изланади. Комил иймон эгаси эса ҳамма яхшиликлар, эз-

гуликлар йўлида саъю ҳаракат қилади. Сабр, ҳаё, диёнат каби ҳисларга эътиқод билан қарайди. Навоий ўз тасвирларида одамларнинг ўз ақли, дониши, мушоҳадаси, матонати билан комилликка сазоворлигини таъкидлар экан, уларни эътиқодли ва ихлосли бўлишга, одамийлик мартабасини баланд тутишга, ҳамиша, ҳар нафас тирикликнинг шукри билан яшашга тарғиб қилади. Шоир мусулмонлик оламида яшаб туриб унинг эътиқод, расм-русумлари ва аҳкомларини бузаётган, ўз имонини муҳофаза қилишга ожиз бўлган одамларни жиддий равишда қоралайди. Бундай одамлар ҳар қадамда нафснинг йўлига кирди, ножўя хирсларга берилади.

ди. Бу инсонпарварлик, саховатпешаликнинг яққол кўринишидир.

"Ситтаи зарурия"да мавзуларнинг қасидадан қасидага кенгайиб бориши характерлидир. Масалан, "Рух ул-қудс", "Айн ул-ҳаёт" қасидаларини давом эттирувчи "Кут ул-қулб", "Минҳож ул-нажот", "Тухфат ул-афкор"га назар ташланса бу ҳол яққол кўзга чалинади. Уларда дастлабки қасидалардаги мавзулар тадрижий давом эттирилиб, шоир томонидан янги-янги муаммоларга мурожаат қилинган. Шох, халқ ва мамлакатнинг ўзаро жипслиги тараққиётнинг муҳим омили бўлиб келган. Навоий қасидада шох ва унинг адолати масаласини ҳам қаламга олади.

ҲАҚИҚАТПАРВАР ШОИР ЭЪТИРОҒЛАРИ

Навоий қасидаларида маънавий-маданият мавзусининг талқини

Ўзининг ҳам, кишиларнинг ҳам қалбида Оллоҳнинг руҳи жой олганини унутиб, одамларни камсити, дилига озор беради. Қилаётган ножўя ишлари учун бир кунга бориб тортажак жазони ўйламайди.

Навоий қарашда ботиний шумлик Оллоҳ олдида ҳам, банд олдида ҳам шаккоклик, мунофиқликдир. Нопоклик инсон умрининг заволидир. Навоий ўз қасидаларида тасаввуф аҳлининг покиза қасрларидан қатор эътиборли лавҳалар чизар экан, уларни гафлат аҳлига, "залолат аҳлига" қарама-қарши қўяди. Бундай тоифалар такаббур, мағрур, нокас, кўзбўямачи, фирибгар, мақтанчок, манман, хасис кишилардир. Шоир бундай кишиларнинг дин аҳли, қозихоналардаги танилган кишилар, савдогарлар ўртасида ҳам учрашидан қайғуради, ҳар нарсага хирс қўйиш билан эътиқоднинг сусайишига сабаб бўлаётган кучлар билан бахс этади. Шу ўринларда Навоий ўзи яшаётган давр ҳаётига кўп жиҳатдан яқинлашиб боради. Шу тариқа зарбо матони бўйрага арзигулик пулга сотиб олувчи фирибгарлар, ҳатто пайғамбарлик даъвосида юрган руҳонийлар кўз ўнгимиздан ўтади. Кўнгиллари Оллоҳ ёди билан бўлганлар эса ўзларининг тирикчилик кемаларини тебратиш билан машғул бўлади. Навоий аҳли аёл, мактаб болаларигача қаламга ола-

ди. Бу инсонпарварлик, саховатпешаликнинг яққол кўринишидир.

Шоир юз марта гуноҳ қилиб бир марта ҳам тавба қилмайдиган, тил захри билан ҳаммага озор бериб юрадиган дилозорларга танбех бериб ёзади:

**Бегунохро сохтаи озурда
аз теги забон,
Нотавон кардан рифи
берафкро аз наштараст.
(Гуноҳсиз кишига тил тиги
билан озор бериш,
Соғлом томирни наштар
билан заиф ҳолатга
келтириб қўйиш билан
тенгдир)**

Навоий ўз қасидаларида нафсни тийиб, иш тутишни ахлоқий масала даражасига кўтаради ва бу мавзунинг таъсирчан тасвирларини беради.

Нафсни асрашнинг ҳам диний, ҳам тасаввуфий талқинлари мавжуд. Улар ҳар икки ҳолатда ҳам руҳнинг поклиги, ақл-идрокнинг қудрати билан боғланади. Навоийнинг "Минҳож ул-нажот" қасидада Ато ва Момо ҳаввонинг ҳаёт лавҳалари муносабати билан нафсни тия билмаслик, нафсоний ҳиснинг

ғолиблик қилиши ва бунинг хунук оқибатлари масалаларини анча кенг ёритади.

"Ситтаи зарурия"нинг деярли барча қасидаларида мўъмин-мусулмонлар учун одатда фарзи айн бўлган амаллар хусусида шоир бутун маҳоратини ишга солиб, инсон шуурида доимий сақланиб қолувчи тасвирлар яратади.

Навоий ушбу қасидада воситасида ислом оламига хос поклик, инсоф, диёнат ва имон, эътиқодни муқаддас сақлашга даъват этадики, бу улуг мутафаккир шоирнинг фақат ўз замон-

қилиб ювиб кетса" деб ёзади.

"Минҳож ун-нажот" қасида-сининг хотима олдидаги муножот қисмида ибрат бўларли бир лавҳа бор. Бир неча байтни ўз ичига олган бу бўлимда Навоий ўзининг босиб ўтган йўлига назар ташлайди, ҳамиша Оллоҳнинг мададидан, марҳаматидан баҳраманд бўлиб яшаганлигини айтар экан, Яратган даргоҳида ўринлата олмаган ишлари учун кўз ёшлари тўкканлигини эслайди. Бу билан ўзининг ҳолимни ҳам инсоф юзасидан сифатлаб бердим. Бу сендан баҳраварлик, виждоннинг сенга умидворлик билан юзланиши бўлсин, деб айтади. Бу ҳақиқатпарвар буюк инсоннинг эътирофи эди. Бу ҳаммага ибрат бўлгулик қалб нидосидир.

"Ситтаи зарурия" қасидаларидан айримлари Анварий, Ҳоқоний каби устозларнинг шеърларига жавоб тарзида ёзилган. Бинобарин, уларда аънаналарнинг ўрни ҳам, ижодий жасорат ёлқинлари ҳам кўринади.

Навоий қасидаларининг ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан юксаклигига шоирнинг "бу қасидаларга дағи кўп маъоний гавҳари дарж ва умр нақди харж бўлубдур" деган сўзлари ҳам гувоҳлик бериб туради. Шунга кўра улардаги кўпгина байтлар ҳикмат даражасига кўтарилгандир.

Навоий "Ситтаи зарурия" қасидалари билан форс тилини чуқур билишини намойиш этди ва "зуллисонайнлик" (икки тилда ижод қилиш иқтидорига эгалик) аънанасини муносиб равишда бойитди.

Даҳо шоиримизнинг туғилганига 560 йил тўлди. Шу давр ичида у қолдирган бебаҳо маънавий хазина китобхонлар қалбини тўлқинлантириб, уларга руҳ бағишлаб келади. Мамлакатимизда Истиқлол нашъу намо топаётган ҳозирги даврда Навоий қолдирган мерос бизга, айниқса, яқин бўлиб қолди. У бизга маънавий маданиятдан сабоқ бериб турибди. Одамларни, айниқса, ёшларни энг яхши фазилатлар руҳида тарбиялаш ишида улкан вазифаларни адо этмоқда. Ёшларни маънавий баркамолликка йўлламоқда, юксак маънавий мезонлардан тойимасликка даъват этмоқда.

Содир ЭРКИНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ЎТМИШИМИЗ ОЙНАСИ

Суронли йиллар ўтмишни кўмиб юборолмайди. У кўзгудек озроқ хира тортар, эҳтимол. Бироқ ўзбекнинг жонкуяр ва фидойи олимлари бу хиралашган ойнани ярқиратиб артишдики, эса биз буюк аждоқларимизнинг кўрсатган жасоратлари ва қилган ишлари тўғрисида ҳақиқий тафсилотлардан воқиф бўлиб турибмиз. Албатта, тарихни ойдинлаштиришдек сермашаққат, айна пайтда масъулиятли вазифани уйдлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун билим, сабот, кунт, тажриба билан бирга тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш талаб қилинади.

Сўнгги йилларда Ватанимиз ўтмишидан ҳикоя қилувчи кўплаб рисола ва дарсликлар нашрдан чиқди. Яқинда ана шундай манбалардан яна бири ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Илм-фан

жонкуярлари Нарзулла Аҳмедов, Содик Назаров ва Ойгул Суюнова ҳаммуаллифлигида босмадан чиққан "Ўзбекистон тарихидан тест машқлари" ҳар бир ўқувчида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Икки қисмдан иборат мазкур рисолада юртимиз ўтмишига оид тест саволлари ҳамда жавоблари ўрин олган. Бу қўлланмадан биз нимани ўрганамиз?

Рисоладан ўрин олган баъзи бир саволлар бошқа тарихий манбаларда кам учрайди. Масалан, Марказий Осиё ҳукмдорларидан қайси бирининг онаси Кўзибегим исми хоним бўлган? Баъзиларимиз бу ҳақда билмаслигимиз мумкин. Ушбу манбада ёзилишича, Мухаммад Шайбонийхоннинг онаси шундай исм билан аталган экан. Ёки илм-фан, техника тараққиёти илдамлаб бораётган бугунги кунда биз етти пуштимизни ёки қайси

уруғга мансублигимизни биламизми? Бу ҳақда мазкур китобда қуйидаги савол берилган: "Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтурсанларни "қул-маркук" дерлар деган жумла қуйидаги (аллома)лардан қайси бирига дахлдор?"

Шунингдек, рисоладан Ўзбекистонимизнинг илк тарихий даврларидан бошлаб сўнгги, яъни Мустақиллик йилларигача бўлган саволлар ўрин олган. Албатта, ҳар қандай иш нуқсонсиз бўлмагани каби бу манбада ҳам айрим камчиликлар бўлиши мумкин. "Эшитганимиз ёлгон, кўрганимиз чин" деганларидек, ушбу рисолаи ўқиб кўришингизни маслаҳат берамиз. Мутолаадан сўнг сизда ҳам фикр-мулоҳазалар туғилса, ажабмас.

Роҳила ОЧИЛОВА

Ҳар бир янги педагогик технология хоҳ у катта бўлсин, хоҳ у кичик бўлсин ўз олдига қўйган мақсади, бу мақсадга эришиш йўллари ва пировард натижаси билан характерланади. Мақсад ривожланиш, янгилаш, тараққиёт ва замон билан ҳамоҳанг юриш бўлса бундай технология мазмун ва моҳияти ўз даврининг илмий салоҳияти асосида доимо янгилашиб боради. Ўз навбатида ҳар бир янги мазмун ўзига хос янги ҳам ишлаб чиқариш, ҳам педагогик технологияларни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан ўрта мактабларда ўқувчиларга кийимларни, жумладан, белдан кийиладиган кийимларнинг энг оммавий турига айланган юбкаларни лойиҳалаш ишларининг ўқитилиши ва унга оид дарсликлар, услубий қўлланмалар мазмунини таҳлил этиб чиқишга тўғри келади.

Маълумки, юбкаларни лойиҳалаш ва моделлаштириш б-синф учун режалаштирилган бўлиб, дарсликларда дастлаб тўғри юбкаларни лойиҳалаш сўнгра конуссимон юбкалар ва давомида (клини) қийқли юбкаларни лойиҳалаш технологиялари берилган. Уларнинг ҳар бирини қандай амалга ошириш ва моделлаштириш элементлари батафсил мисоллар билан келтирилган. Мавзуларнинг бундай берилишига собиқ СССР П.Ф.А. томонидан муҳрланган дастур ҳамда кўрсатмалар асос бўлиб келган ва у барча иттифокдош республикаларнинг ҳамма мактабларида ана шундай амалга оширилиши шарт эди. Бу юбкаларнинг ичида энг соддаси, лойиҳалаш нуқтаи назардан энг қулай ва оддийси конуссимон юбкалар бўлиб, у кейинги 20 йил ичида чоп этилган дарсликлар, хатто собиқ СССР П.Ф.А. томонидан тавсия этилган дарсликлар, услубий қўлланмалар ҳамда ҳозирда таржима қилинаётган ва чоп этилаётган қўлланмаларда ҳам қуйидаги мазмунларни ўз ичига олади: конуссимон юбкаларнинг асос андозалари айлана бўлаклари шаклида бўлиши, уларнинг етти хил тури мавжудлиги алоҳида таъкидланиб, улардан бирининг чизмасини чизиш намунаси, чизмаларни чизиш учун керакли бўлган радиусларни аниқлаш формуласи ҳамда ундаги коэффициентлар жадвали, шунингдек, лойиҳалаш ишларининг кетма-кетлигини кўрсатувчи технологик карта ҳамда уларнинг мазмуни (тўғри ва қийқли юбкалар ҳам худди шу каби алоҳида) берилган. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда улар асосида олиб

борилаётган дарс жараёнларини илмий таҳлил этиш орқали келиб чиқадиган куйидаги хулосалар «Таълим тўғрисида»ги қонун ва таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш нима учун керак эканлигини яна бир бор яққол кўрсатиб беради:

1. Минг афсуски юқорида келтирилган етти клёш юбкаларнинг барчаси бир хил усулда амалга оширилишига қарамай, уларнинг беш хил турини (қуёш ва ярим қуёш шаклидаги юбкалардан ташқари) нафақат ўқувчи балки кўпгина ўқитувчилар ҳам юқоридаги айрим дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиб мустақил равишда лойиҳалаш олмайдилар. Чунки уларнинг бирортасида марказий бурчак α нинг қиймати берилмаган. Ваҳоланки, клёш юбкаларни лойиҳалашда ёйларни чизиш учун керакли бўлган радиус R ни аниқлаш формуласидаги коэффициент K нинг қиймати

ҳамиша мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Шу билан бир вақтда клёш юбкалар конуссимон юбкалар гуруҳига кирса-да, қайси вақтда уларни клёш юбка деб аташ имкониятларини очиб бермайди.

3. Кўпгина муаллифлар бундан бир неча ўн йиллар аввал тавсия этилган қўлланмалар асосида юбкаларнинг бел қисми ёйини чизиш учун керакли радиусни аниқлаш формуласини куйидаги кўринишда талқин этмоқдалар. $R=KKB...$ ($B...$ - бел айланасининг ярми).

Бу ерда бел қисмига қўшиландиган қўшимчанинг қиймати ҳисобга олинмагани ҳисобида лойиҳаландиган юбкаларнинг бел қисми кўзланган ўлчамларда бўлиб чиқмайди.

Бизнинг фикримизча, бу формуладаги бел айланасининг ярмига унинг қўшимчасини ҳам айрим қўлланмалардаги каби қўшиб ҳисоблаш зарур.

белдан бўксагача оралиқ узунлиги $B_0 B_1=16$ см. ўлчамли жусса учун амалдаги дарсликлар ва услубий кўрсатмаларда тавсия этилган «Клёш юбка»ни лойиҳалаш мумкин эмас. Чунки бел чизиги ёйини тўғри чизган чоғда ҳам 16 см. узунликдаги бўкса чизиги ёйининг узунлиги унинг қўшимчасини ҳисобга олган ҳолда 48 см. бўлиши учун бу юбканинг андозасини марказий бурчаги 54° га тенг бўлмоғи лозим. Маълумки, «Клёш» юбканинг марказий бурчаги бундай бўлиши мумкин эмас. Демак, юқорида тавсия этилган клёш юбкаларнинг сони — уларнинг турлари бўйича ҳам етти хил бўлиши мумкин эмас.

Лекин шунга қарамай, таълим мазмунининг бу тарзда берилиши ҳозирги ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасида гўёки эпидемия сифатида ҳамон давом этмоқда. Бундай салбий ҳолат-

Mehnat ta'limi

технологияга асос солинди. Қувонарлиси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида Янгийўл тумани бўйича барча мактабларда ушбу технологияни жорий этилиши учун керакли дидактик воситалар ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу технологиянинг ўзига хос томони куйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун алоҳида, шунингдек, дарс машғулотида фойдаланиш учун алоҳида услубий кўрсатмаларнинг мавжудлиги.

2. Услубий кўрсатмалар икки хил вариантда бўлиб, биринчи варианты амалдаги технологияга қисман ўзгартириш киритиш асосида ишлаб чиқилган. Иккинчи варианты эса амалдаги технологиялардан тубдан фарқ қилиш, соддалиги ҳамда юқори политехник характери билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

3. Ҳар бир вариант политехник характерининг яна бир эътиборли томони шундаки, биринчи вариантда биргина конуссимон юбка асос андозасини чизишни ўқувчилар ўрганиш жараёнини ўзида клёш ва қийқли юбкаларнинг андозаларини чизишни ҳам тўлиқ ўзлаштириб олади. Улардаги чизмаларнинг аниқлик даражаси амалдаги технологиялардагидан бир неча баробар катта.

4. Иккинчи вариантда эса биргина конуссимон юбка андозасининг асос турини чизиш жараёнини ўзида клёш юбка, тўғри юбкаларнинг андозаларини чизиш йўллари ни осонгина ўзлаштириб олишлари билан бир вақтда лозим, (шортик) калта шим ва шим андозаларини чизиш учун ҳам керакли асосий тушунчаларни эгаллашларига тўлиқ имконият яратиб беради.

5. Кўпгина ҳисоблаш ишлари содда ҳолатга келтирилганлиги уларни ўқувчилар онгда узоқ вақт сақланишига пухта замин яратиб беради.

Мазкур технология бўйича ўқувчилар билан мустақил иш олиб бориш учун режалаштирилган услубий кўрсатма ва уни амалда қўллаш ҳақида навбатдаги мақолада батафсил тўхталамиз.

Холдор ОДИЛБОЕВ,
Янгийўл тумани
55-мактаб ўқитувчиси,
Рўзибу БОЙМАТОВА,
25-мактаб ўқитувчиси

ТЕХНОЛОГИЯ: МАҚСАД, ЙЎЛ, НАТИЖА

айнан шу марказий бурчакга боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, ёй радиусини аниқлаш формуласидаги коэффициентнинг:

$K=1,4$ бўлган қиймати $\alpha=41^\circ$ ли,
 $K=1,2$ бўлган қиймати $\alpha=48^\circ$ ли,
 $K=1,0$ бўлган қиймати $\alpha=57^\circ$ ли,
 $K=0,9$ бўлган қиймати $\alpha=64^\circ$ ли,
 $K=0,8$ бўлган қиймати $\alpha=72^\circ$ ли,
 $K=0,64$ бўлган қиймати $\alpha=90^\circ$ ли,
 $K=0,32$ бўлган қиймати $\alpha=180^\circ$ ли юбкаларни лойиҳалашда қўлланилиши керак эканлигини ҳеч бир ўқитувчи тасаввур этмас ва керак (Албатта, бу ерда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда коэффициент (K)нинг қийматлари яхлитланганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак бўлади. Масалан: $K=0,96$ ўрнига $K=1$ ёки $K=0,9$ қийматлари олинган). Демак, бу бурчакларни билмай туриб керакли радиусларни аниқлаб бўлмайди.

2. Юқоридаги сабаблар юбкаларнинг номланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу сабабли ҳам уларнинг номланишлари «Клёш», «Катта клёш», «Кичик клёш», «Ўрта клёш», «Каттароқ клёш», «Ярим қуёш», «Қуёш» юбкалар каби нисбий характердаги номлар билан аталган. Аслида эса клёш юбкаларнинг турлари етти хил эмас балки етмиш хилдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Айни вақтда уларнинг ҳар бири ўзига хос коэффициентлар тизимини тақозо этади. Бундай коэффициентлар тизимини ўқувчиларга тавсия этиш ҳам

4. Клёш юбкаларнинг бел ва этак қисмларининг кўтарилиши сабабларини газламалардаги арқоқ ва танда ипларини жойлашувига, газламаларнинг чўзилувчанлигига боғлаб эътироф этадилар. Айни вақтда бу кўтарилиш қоматдаги ўлчамларнинг катталигига ҳамда жуссанинг тузилишига кўпроқ боғлиқ эканлиги умуман ҳисобга олинмай таърифланмоқда. Шу сабабли ҳам мавжуд қўлланмаларда стандарт жуссалар учун стандарт ўлчамли юбкалар чизмасини чизиш учунгина йўл-йўриқлар берилиши билангина чегараланилади.

Юқоридаги камчиликларни кўрсатиш билан биз мавжуд амалдаги ўқитиш технологияси унинг мазмуни том маънода хато демоқчи эмасми, лекин уларда айрим керакли ва айни вақтда энг зарур бўлган асосий тушунчаларга эътибор берилмаган. Шу сабабли ҳам кўринишдан содда ва тўғри бўлиб кўринган амалдаги ўқитиш технологиясида клёш юбкаларнинг бел қисми ўлчами қисман тўғри бўлиб чиқса-да, бўкса қисми, унинг чизиги ўлчамлари айрим адабиётларда кўрсатилишича ҳисобга олинмайди. Бу қайсидир маънода тўғри, албатта. Лекин бу ерда унинг меъёрий томони яширин ҳолатда берилмоқда. Масалан:

Бел айланасининг ярми $B_0=32$

Бўкса айланасининг ярми $B_1=46$

ни бартараф этишнинг бирдан бир йўли юбкаларни лойиҳалаш жараёни моҳиятини чуқур илмий таҳлил этиш, илму фан ютуқлари асосида уларнинг умумий ва хусусий томонларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг политехник принциплари негизда янги педагогик технологияларни жорий этиш ва амалда қўллашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун кўрсатмаларини амалга жорий этиш борасида Янгийўл тумани халқ таълими бўлими юқорида келтирилган хато ва камчиликларга барҳам бериш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир талай ишларни амалга оширди.

Туман мактабларининг услубий бирлашмалари раҳбарлари, Тошкент вилояти туманлари халқ таълими бўлими фаолларининг кўчма семинари қатнашчилари орасида бир неча бор қизгин ижодий мунозаралар ўтказиш, ҳамда Ўзбекистон педагогик фанлар илмий текшириш институти ходимларининг «Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш» номи ўқув қўлланмасида келтирилган айрим кўрсатма ва тавсиялар асосида уларга ижодий ёндошиш орқали Республика таълим марказининг технология бўлими ходимлари, Янгийўл тумани халқ таълими бўлими услубийет хонаси мудираси М.Назароваларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида куйидаги бир

Хуқуқ барчани бирдай қизиқтирувчи мавзу. Шу боис ҳам, барча ўз ҳақ-хуқуқини билгиси келади. Хуқуқини билганлар эса, турли хил жиноятлардан йироқ бўлади. Мана бир неча йилдирки, Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежи ўқитувчилари Дилрабо Алиакбарова ҳамда Отамирза Рустамовлар талабаларга хуқуқ билимларини сингдириб келмоқда.

Хуқуқ фанидан берилаётган сабоқни тинглаётган талабалар нигоҳида эса хуқуқ илмига чанқоқлик сезилади.

Суратларда: олий тоифали ўқитувчилар Дилрабо Алиакбарова ҳамда Отамирза Рустамовлар «Фуқаролик хуқуқи» ва «Мамурий хуқуқ» фанларидан дарс олиб бораёпти.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМИ

Республикамиз мустақиллигининг қутлуғ 10 йиллик тўйини ҳам бир дунё қувончлар билан кутиб олиш барчамизга насиб этди. Шу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг кўнглимиздан қуйидаги мазмундаги саволлар кечганлиги аниқ. Ўтган 10 йил ичида нималарни амалга оширишга улгурдик? Эндиликда олдимизда қандай вазифалар турибди?



Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга астойдил киришилди. Худди бошқа соҳалар каби вилоятимиз халқ таълими ходимлари ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги маърузалари, ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурлари асосида ўз вазифаларига ташаббус ва ижодкор-

шунингдек, 2005 йилгача ҳар бир ҳудудга ташкил қилинадиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳаритаси ишлаб чиқилди. Бошқармамиз қошида махсус тузилган қонун талабларининг амалга оширилишини назорат қилувчи гуруҳ тадбир ва режалар самарасига яқиндан ёрдам бермоқда.

Халқаро ташкилотлар билан алоқалари-

миз мустаҳкамланмоқда. "СОРОС", "Халқаро Қизил Хоч" ташкилотлари билан ҳамкорликда анжуманлар ўтказаялмиш. "Тинчлик корпуси" орқали юборилган чет эллик кўнглили муаллимлар ўқувчиларимизга халқаро тилларни чуқур ўргатмоқдалар. Францияда 14, Германияда 6, АҚШда эса 4 нафар ўқитувчи малака ошириб қайтди. Шовот туманидаги 39-мактаб яқунланган ўқув йилида "ЮНЕСКО" аъзолигига қабул қилинди. Халқаро ташкилот томонидан мактабга 7,2 млн. сўмлик компьютер техникаси совға этилди.

Боғот туманида жойлашган 48-умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланишга топширилиши Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами шодиёналарига улашиб кетди. Таъкидлаш жоизки, янги мактабининг очилиши маҳаллий аҳоли, айниқса, ўқувчиларимиз учун катта тухфа бўлди.

Бунга қадар "Огаҳий" номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи болалар беш километр узок-

ликдаги 20-мактабга қатнаб таҳсил олардилар. Ҳолбуки, ҳудудда аввалига пахта тайёрлаш идорасининг маъмурий биноси

лан мазкур бино жуда қисқа муддатда, атиги бир ой ичида бутунлай қайта таъмирдан чиқарилди ва замонавий мак-

ЯНГИ МАКТАБ

сифатида фойдаланилган улкан иморат яқин 10 йилдан буён фойдаланилмай, нураб ётар эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси би-

таб кўринишини олди. Бинони таъмирлаш ишларида "Хоразм сув қурилиши" жамиятининг Боғот тумани кўчма ко-

СОҒЛОМ БОЛА — ЮРТ БАХТИ



Болаларни мудом азиз билган, "Болам-чақам" деб яшайдиган элмиз. Биз учун энг катта бахт болаларимиз соғломлиги, уларнинг тан-сиҳатлигидир. Болалик оёғига кирган жимитдай тикан ҳам бизнинг кўксимизга тийгдай ботади. Ўзбек ана шундай болажон миллат. Ўзбек азалдан шундай яраган.

Бизнинг "Лола" номи 1-мактабгача таълим муассасамиз халқимизнинг ана шу ўзига хос характеридан келиб чиққан ҳолда иш юритишга ҳаракат қилиб келмоқда. Муассасамиз икки йилдан буён туманда соғломлаштириш бўйича таянч боғча ҳисобланади. Бу ердаги ҳар бир тадбир шу мақсадга йўналтирилганлиги билан

ажралиб туради. Айни пайтда боғчада иккита махсус соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, бу гуруҳларнинг ҳар бирида 20 нафардан бола тарбияланмоқда.

Боғчамизда фаолият кўрсатаётган тўлиқ жиҳозланган спорт зали, бассейн, "Фитобар" ҳам болаларнинг жисмонан бақувват ўсишларига хизмат қилади.

Бу борада олиб борилаётган ишлар натижаси ўлароқ, туманда "Соғломжон-полвонжон" кўрик-танловида голибликка эришиб келмоқдамиз. Туман шифохонаси томонидан бириктирилган шифокор ва доимий ишловчи ҳамшира тарбияланувчиларни мунтазам тиббий на-

зоратдан ўтказиб туради.

Боғчада болаларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш ҳам бирламчи вазифаларимиздан ҳисобланади. Иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиб, математика, инглиз тили, расм, мусиқа тўғрисида фаол ишлаб турибди. Шунингдек, боғчада мониторинг хонаси ташкил этилган. Болаларнинг мактабгача таълим меъёрларини ҳар чоракда таҳлил қилиб бора-

миз. Болаларимиз онгида ёшлиқдан оқиллиқни истиклол ҳиссини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. "Конституция ва биз" деб номланган мунтазамлик касб этган тадбиримизда асосий қонунимиз тарбияланувчиларга ўргатиб борилаётган. Боғчада ташкил этилган кўйрақ театрининг ижрочилари болаларнинг ўзларидир. Минти театримизда фойдаланилган кўйрақларни ва бошқа ўйинчоқларни ҳам болалар иштирокида ўзиниқ ясайиш. "Севимли ўйинчоқлар" танловининг вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллади.

Муассасамизда меҳнат қилаётган Муҳаббат Оллоберганова, Ражаббиди Рўзимова, Инобат Собирова сингари жонқур тарбиячиларимиз болалар кўнглига йўл топиб, улар меҳрини қозона билган мураббийлардир.

Марямжон ТОЖИЕВА,
Урганч туманидаги
1-болалар боғчаси
мудираси

САРҲИСОБ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

лик билан ёндошиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлида фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Айни замонда вилоятимизда 532 мактаб, 441 болалар боғчаси фаолият кўрсатаёттир. Ушбу таълим муассасаларининг барчасида мониторинг хоналари ташкил этилган. Уларда ишланган кадрларнинг сифат таркиби яхшиланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб олий маълумотли мутахассислар сони 75,5 фоизга етганлиги бунинг яққол далилидир. 16 та мактабда рус, 6 тасида қозок, 2 тасида туркман тилида ўқиш олиб борилаётти. Барча мактабларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Халқ таълимида маркетинг хизмати жорий қилинаётганлиги, жойларда таълим марказлари фаолият кўрсатаётганлиги, ўқув-тарбиявий ишлар ДТС талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ишларнинг сифатини оширмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 1-босқичи мобайнида таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун маънавий ва моддий шарт-шароитлар яратилди. Таълим турлари бўйича янги қоғдалар жорий этилди.

Иккинчи йилдирки, таълим муассасаларида доимий ҳаракатдаги семинар ўтказилиб келинмоқда. Шу семинарларда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг истиқбол режаси ҳақида кўшимча маълумотлардан баҳраманд бўлган туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари уни маҳаллий шароит ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда туздилар. Жойларда 9 йиллик умумий ўрта таълимга босқичма-босқич ўтиш бўйича истиқбол режалари мавжуд бўлиб, уларда 2005 йилгача ўқувчилар контингентининг ўсиши, 9-синфни битказгач, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига йўллаш режалари,

Бу йил Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 10 га яқин мактабларга компьютер синфлари ўрнатдик. Шунингдек, 222 млн. сўмлик парта, стол-стул, доскалар тендер асосида вилоят бўйича ҳар бир туманнинг биттадан мактабини янгидан жиҳозлаш учун тарқатилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис, бу борадаги ишларимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мавжуд 531 жисмоний тарбия жамоасида 337 мингга яқин ўқувчи шуғулланмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларига ташкил қилинган спорт тўғрисидаги 58 мингдан ортққ ўқувчи спортнинг 16 тури бўйича машғулотларда қатнашмоқда. "Алломиш", "Барчиной", "Умид ниҳоллари — 2001" спорт мусобақалари мактабларда муваффақиятли ўтказилмоқда. Спорт заллари ва майдончалари зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган.

Спорт соҳасидаги ютуқларимиз билан бир қаторда зиммамиздаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам талайгинадир. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган малакали спортчилар тайёрлаш, тренерларга бўлган эҳтиёжни қондириш, барча туманларда сув ҳавзалари ташкил қилиш, умумий ўрта таълим мактабларини ДТС талабларига мос келадиган спорт анжомлари билан таъминлаш, янги спорт заллари ва комплексларини бунёдга келтириш шулар жумласидандир.

(Давоми 9-бетда)

ЯНГИЛИКЛАР

ни таъмирлаш учун ўтган йилнинг узида жами 20 млн. сўмлик, ота-оналар томонидан 30 млн. сўмлик бегараз ёрдам кўрсатилди.

Бу йил янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича бюджет ҳисобидан 12 млн. сум ажратилди. 3 та мактаб, 1 та болалар боғчаси капитал таъмирлашдан чиқарилди. Айни пайтда шаҳримизда ШХТБга қарашли 30184 нафар ўқувчи таълим олаётган

танловлар ўтказилиб, мактаб атрофида яшил дарахлар купайтириляпти.

Ҳозирги кунда ШХТБга қарашли таълим муассасаларида жами 3053 нафар педагог кадрлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 2270 нафари умумтаълим мактабларида, 560 нафари мактабгача таълим муассасаларида ва 123 нафари мактабдан ташқи таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

лоннаси (рахбари Бахтиёр Раҳимов) курувчилари катта шижоат кўрсатишди.

Янги мактабни таш-

ушмаси рахбари Йўлдош Саидов, "Найман" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шомурот Отаназаров сингари тиниб-тин-

боқ олмақдалар. Мактаб педагоглари учун тўлиқ иш шароитлари яратилган. Ўз ишининг фидойилари бўлган Э.Куронбоев, Г.Ёқубова, Р.Худойберганов, Г.Қурбонова сингари ўнлаб ўқитувчиларимиз ёшларга тўлақонли билим бериш мақсадида ижодий изланишни бошлаб юбордилар.

Аллашукур ҚАЛАНДАРОВ,
Боғот туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактаби директори

ЎҚУВЧИ

кил этиш ишларида туман ҳоқими ўринбосари Комил Матқонов, ТХТБ мудири Собиржон Шарипов, "Огаҳий" номидаги фермерлар

чимас ҳамюртларимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳам яхши натижа берди.

Айни кунда янги мактаб кучоғида 300 нафарга яқин ўқувчилар яйраб са-

Ўтган йилдан бошлаб, бизнинг муассасамизда "Келажагимиз умидлари" клуби тажриба тариқасида иш бошлаган ва унга боғча ёшидаги болалар жалб қилинган эди. Болаларни ёшлиқданок спортга ошно этиш, уларнинг жисмонан соғлом ривожланишларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу клуб айни кунда ҳам фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда боғча тарбияланувчилари иштирокида ҳафтасига икки марта спорт машғулоти олиб борилмоқда. Клубнинг илк аъзоларида шаклланиб келаётган маҳоратни кўриб, меҳнатларимиз бе-самар кетмаслигига амин бўлаяпмиз. Бу мурғак болалар келажагимиз юлдузларига айланишига, ҳозирги чемпионларимиз ўрнини босишларига, спортда эришилаётган ғалабаларимизни янада юксак поғонага кўтаришларига кўнглимизда ишонч пайдо бўлмоқда.

Айни пайтда спортнинг эркин кураш, миллий кураш, волейбол, футбол, бокс, энгил атлетика, теннис турлари бўйича машғулотлар олиб борилаётган мактабимизда туман-

КЕЛАЖАГИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ



нимизнинг 1120 нафар ўқувчи-ёшлари қамраб олинган. Уларга спорт сирларини ўргатаётган 24 нафар мураббийларимизнинг деярли барчаси ҳам илк малакаларини шу мактабда эгаллашган, Рустам Худойберганов, Наримон Очилов, Зоҳид Ражабов сингари спорт усталари тарбиясининг самараси сифатида жуда кўплаб шогирдларимиз турли танлов ва беллашувлар голи-

би бўлиб, чемпионлик шарафига эришмоқдалар. Хусусан, ўқувчиларимиз орасида Бахтиёр Турешов, Отабек Сафарбоев сингари республика чемпионлигига эришган ёшларнинг кўплиги бизни кувонтиради.

Наримон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Шовот тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби илмий бўлим мудири

Шаҳримиздаги иқтидорли ўқувчилар тарбияси ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳарда мустақиллик йилларида битта тарих фани чуқур ўргатиладиган махсус ихтисослаштирилган мактаб, битта математика, кимё фанлари чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб, битта инглиз тили бўйича гимназия, битта санъат гимназияси, битта инглиз тилига ихтисослаш-

2001 ўқув йилида 3 та болалар боғчаси инглиз тили чуқур ўргатиладиган мактаб-боғчага айлантирилди. Янги йўналишдаги 3, 20, 21-мактаблардан ҳар йили 70 фоиз ўқувчи давлат грантлари асосида олий ўқув юртиларига ўқишга киришга муваффақ бўлмоқдалар.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлашда олимпиадаларнинг роли катта. Бу йил фан олимпиадалари вилоят тури

ган устоз муаллимларимиз хотирасига бағишланган барча фанлар бўйича хотира беллашувлари ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. 2000-2001 ўқув йилида 12 нафар устоз-муаллим хотирасига бағишлаб хотира беллашувлари ўтказилди.

Болалар иқтидорини яхшилашда мактаб билан боғча ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шаҳар миқёсида 39 та боғча буладиган бўлса, буларнинг ҳаммасида инглиз тилини чуқур ўрганадиган тугарақлар очилган. Ўқувчиларни мактабга тайёрлашни яхшилаш учун 4 та болалар боғчасида шанба, якшанба мактаблари ташкил қилинган.

Бир сўз билан айтганда, таълимда булаётган ҳар бир узғариш ва янгиликлар моҳиятини чуқур англаган ҳолда, уларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш бирламчи вазифамизга айланган.

Қуронбой НУРИМОВ,
Урганч шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

(Боши 8-бетда)

Бу йилги "Яшил чироқ" мусобақалари ҳам яхши ташкил этилди. Натижада Хива туманидаги 8-мактаб республика бўйича 2-ўринни олди. Республика фан олимпиадасида вилоятимиз жамоаси ҳам 2-ўринни қўлга киритди ва 7 та ўқувчи имтиҳон ва тест-синовисиз олий ўқув юртиларига қабул қилинди. Шунингдек, фанлар бўйича 5-7-синфлар ўртасидаги сифат кўрсаткичлари натижаларига кўра республикада 4-ўринни олди.

Вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти фаолиятини яхшилаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Институт педагогик жамоаси профессор ва фан номзодлари билан мустаҳкамланди. Институтнинг илмий салоҳияти оширилди. Бу даргоҳда ҳар йили 3,5-4 минг ўқитувчининг кўникма ва малакалари оширилмоқда.

Халқаро ёш математиклар олимпиадасида 2 ўқувчи фаол қатнашиб, республика терма жамоаси таркибига киритилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти Халқ таълими вазирлиги билан

ла" учрашувлари ташкил этилди. Ҳар бир ўқувчига "Соғлом турмуш тарзи" гафтарлари юритиш йўлга қўйилди. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида ижодкор ўқитувчилардан тузилган "Ташаббус гуруҳлари" ишляпти.

Ўқувчиларни янги дарсликлар билан таъминлаш масаласига эътиборимиз жиддий. Айниқса, кутубхоналар захирасини дарслик ва ўқув адабиётларидан ташқари услубий ва бадиий адабиётлар билан мунтазам тўлдириб бормоқдамиз.

Албатта, ютуқларимиз қаторида муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Муаммоларга ноанъанавий мактабга таълим муассасалари тармоғи суст ривожланаётгани, мактаб бинолари ва улардаги мебеллар, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари янгиликларни талаб этаётгани, замонавий компьютер техникасига эҳтиёж юқори даражада қолаётганини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва уларга замонавий психологик-педагогик маслаҳат беришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кун тартибидан долзарб муаммо

САРҲИСОБ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Модерн тармоғига уланиб, ахборот алмашиш ишлари бошлаб юборилди. "ЮНИСЕФ" томонидан ўтказилган танловда Урганч шаҳридаги 3-мактабнинг 2 ўқитувчиси волиб бўлиб, АҚШда малака ошириш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Ўзбекистон — Ватаним маним" республика кўшиқлар кўрик-танловига эришган ютуғимиз, айниқса, диққатга сазовордир. Жами 1100 нафар ўқувчи иштирок этган ушбу танловда вилоятимиз ўқувчилари олий ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ўтган йиллар давомида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларга ДТС талаблари асосида билим бериш, синфдан ташқари ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қатор тадбирлар йўлга қўйилди. Жумладан, барча умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва назорат қилишнинг 58 та йўналиши бўйича хужжатлар папкаси ташкил қилинди. Ўқувчилар ўртасида Президент асарлари бўйича иншолар танлови, "Конституциямиз — ҳаёт қомуси" мавзусида учрашувлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла ва мактабларда турли мавзуларда учрашув, суҳбат ва маърузалар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши амалий семинар, мактаб, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ташкил қилиниб, "Қалқон" клуби иши оммалаштирилди. "Адолат", "Мактаб посбонлари" ва "Қизлар клуби" фаолияти яхшиланмоқда.

Урганч шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилди. "Оила-мактаб-маҳал-

бўлиб келаяпти.

Республика ўқитувчиларнинг 1-анжумани тавсиялари ишимизда дастуриламал бўлмоқда. "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг 1-босқичига яқин ясалди. Демакки, миллий дастурнинг тўлиқ юзага чиқиши учун пойдевор яратилди. Таълим ислоҳоти талабларидан келиб чиқиб, ўқувчиларни мустақил билим олишга, уларга ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга эътиборни қаратмоғимиз лозим. Қилган ишларимиз сарҳисобидан келгусида нималар қилишимиз лозимгини англаб етамиз. Баркамол инсон шахсининг шаклланиши ва жамият тараққиёти йўлида таълим тизими салоҳиятининг келгусидаги ривожини таъминлашимиз, нодавлат таълим муассасаларини кўпайтиришимиз, таълимнинг узвийлигини таъминлашимиз лозим. Миллий дастурнинг 2-босқичида таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашда давом етамиз. Ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашга, таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизmlарини тўлиқ ишга солишга ҳаракат қиламиз.

Й.БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Кўш саҳифа материалларини Икром БҮРИБОЕВ тайёрлади.

МОҲИЯТИ

ган янги йўналишдаги мактаб, битта инглиз тилига йўналтирилган бошланғич синфлар ўқийдиган мактаб ҳамда бундан ташқари иккита мактабда банк синфлари фаолият кўрсатмоқда. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, 28 та мактабда ҳар бир мактаб шароитини ҳисобга олган ҳолда фанлар бўйича чуқур ўргатиладиган 115 та махсус синфлар очилган.

кўрсаткичининг умумий якунига кўра, шаҳар биринчи уринни олди. Шаҳримиздан 5 нафар ўқувчи республика олимпиадасида қатнашиб, фахрли уринларни олиб келдилар. Яна булардан ташқари ҳар йили иқтидорли болалар слёти жуда яхши тайёргарлик ва кўтаринки руҳ билан ўтади. Ҳозирги кунда миллий урф-одатларимиз ва кадрларимизни эъзозлаш мақсадида халқ таълими соҳасида фидойий меҳнат қил-



Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Ўзбекистон мустақиллиги йилларидаги фаолиятида ўзига хос ўзгаришлар кўзга ташланаётганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Бугун Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини ҳаётининг маълум бўлагига айлантирган кишилар жуда кўп. Улар ўзлари учун кадрдон бўлиб қолган олий ўқув юртининг юбилейларини эър кўтаринкиликда нишонлашди.

Мажлислар залига тўпланганлар орасида нафақат талаба ўқитувчилар, балки чет эллик меҳмонлар, бошқа олий ўқув юртинларининг ректорлари ҳам ҳозир бўлишди.

Университет ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Раимбой Алимов тантанали йиғинни очар экан, бу даргоҳга раҳбарлик қилган кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. Шундан сўнг университетнинг бугунги ҳаётига дахлдор маълумотларни келтирди:

— 7 мингга яқин талаба тахсил олаётган таълим муассасаси катта нуфузга эгадир. Ҳозирда иқтисодиёт ва статистика, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси, тижорат, халқаро бизнес, халқаро туризм, умумиқтисод ва ҳисобиктисод мутахассисликлари сиртки, маҳсус факультетлар мавжуд бўлиб, буларнинг

барчасида етук иқтисодчи кадрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ, таълим икки босқич — бакалаврият ва магистратурада

ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари билан ўтказилган «Иқтисодчи талаба таланти — мустақил юрт равнақи» факультетлараро санъат кўрик-танлови, «Прези-

НУФУЗЛИ ДАРГОҲ

олиб бориляпти. Университетимизда 43 та кафедра мавжуд.

Дарҳақиқат, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг кадрлар тайёрлашдаги салмоқли улуши ҳамisha эътироф этилади. Шунингдек, университет қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти фаолияти Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўрта бўгин раҳбарлари ва иқтисодчи мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган. Унинг фаолиятида иқтисодий соҳа бўйича илмий-педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Маънавият-маърифат бўлими, «Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб этиш», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва амалиётини ўрганиш» марказлари университет ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари билан ҳамкорликда бир нечта илмий-амалий семинарлар ўтказди ва илмий услубий тавсияларни ишлаб чиқди.

Бирлашган касаба уюшмаси, «Соғлом авлод» жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот»

дент асарлари билимдонлари» мафкуравий-маърифий танлови, «Соғлом авлод — келажак пойдевори», «Гиёҳвандлик — XXI аср вабоси» мавзусидаги илмий амалий анжуманлар

тўғарақлар талабалар иштирокида. Бу имкониятлар натижаси ўларок, бир гуруҳ талаба спортчилар Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2001» мусобақаларида курашнинг дзюдо тури бўйича битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медалларини олишга муяссар бўлдилар.

У АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Жанубий Корея, Малайзия, Греция ва бошқа мамлакатларнинг обрўли ва машҳур бўлган олий ўқув юртлири билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатган.

Сўзга чиққан нотиклар — бу даргоҳга кўп йиллар

Anjuman

жуман университет фаоллар залида давом этди.

Ялпи йиғилишда «ТДИУнинг иқтисодчи кадрларни тайёрлашдаги роли», «Иқтисодиётда миллий моделларни шакллантириш шароитларида иқтисодий таълимнинг муаммолари», «Таълим тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда меҳнат бозори фаолият юритишини яхшилаш омили сифатида», «Ўрта Осиё: барқарор ривожланишнинг экологик иқтисодий нуқтаи назарлари» каби мавзулар ўртага ташланди.

Анжуман иштирокчилари шўъбаларга бириккан ҳолда турли мавзулар юзасидан баҳс-мунозара юритишди. Шу нарса аёнки, маърузаларда Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтириш билан боғлиқ тақлифлар бор. Агар улар умумлаштирилиб, амалга ошириш чоралари кўрилса, иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилади. Анжуманда кўтарилган



университет ижтимоий-маънавий ҳаётидаги муҳим воқеалардир.

Мазкур даргоҳда соғлом турмуш тарзини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган 8 та замонавий спорт турларига мўлжалланган заллар ва

университетни табаррук сана билан муборакбод этишиб, ўз эсдалик совғаларини тақдим этишди.

ОЛИМЛАР ГУРУНГИ

4-5 октябрь кунлари эса «Барқарор иқтисодий ривожланиш ва минтақавий ресурсларни бошқариш» мавзусидаги халқаро ан-

мавзулар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳ.ТҲЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг
маҳсус муҳбири.

Суратларда: ТДИУда бўлиб ўтган уч кунлик анжумандан лавҳалар. Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

«АКСЕЛС» ЁШ ОЛИМЛАР БИЛАН

Республика илмий техника кутубхонасида Ёш олимлар миллий жамияти АҚШнинг «Халқаро таълим учун Америка ваколатлари», яъни АКСЕЛС жамғармаси билан биргаликда учрашув ўтказди.

— Мақсад ўзбекистонлик ёшларни АКСЕЛС жамғармасининг таълим соҳасида амалга ошираётган лойиҳалари билан таништириш, — деди жамғарманинг Ўзбекистондаги вакили Елена Шляпина. — АКСЕЛС жамғармаси бу йил Ўзбекистонда бакалаврият, магистратура ва ёш олимлар учун мўлжалланган дастурлар лойиҳаларини эълон қилган. Бу дастур ёш олимлар учун икки йиллик, магистратура учун бир йиллик, бакалаврият учун икки-уч йиллик лойиҳа тарзида белгиланган.

Елена Шляпинанинг айтишича, лойиҳада иштирок этувчи ўз соҳасини чуқур билиши, инглиз тилида эркин сўзлаша олиши лозим.

АКСЕЛС жамғармаси бу йил 12 йўналиш бўйича танлов эълон қилган бўлиб, улар асосан, ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Танловнинг биринчи босқичи 2001 йил декабрь, иккинчи-учинчи босқичлари 2002 йилнинг январь ва апрель ойларига белгиланган бўлиб, унинг натижалари худди шу вақтда маълум бўлади.

«Туркистон-пресс»

Tadbir

Истеъдод гуллаши керак. Ҳаммада ҳам топилавермайдиган алоҳида қобилият кўпинча, тадбирларда ярқ этиб кўзга ташланади.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ИСТЕЪДОД ГУЛМАСИН

умумхалқ байрами муносабати билан «Маърифат чашмалари» деб номланган тадбирда истеъдод эгаларидан бир гуруҳининг чиқишларига гувоҳ бўлдик. Республика ўқувчи-ёшлар марказининг ёш рақосалари, доирачилари, дзюдо ва каратэчилари сахнага чиқишиб, томоша кўрсатишганида, ҳайратларга кўмилдик.

«Кулгу куртаклари» гуруҳи «Табасум»чилар устаси Тўлан Қўзибоевнинг шогирдларидир. Уларнинг интермедия-

сида ҳаётнинг бир лаҳзаси, истеъдоднинг эса исботи акс этди.

Билим, истеъдод, малака, укув, маҳорат баркамол авлодга зарур бўлган мезонлардир.

— Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 19-мавзеда жойлашган бу марказ болаларни санъат ва спортга, адабиёт ва

хунармандчиликнинг турли соҳаларига яқинлаштирмоқда. Ҳозирги пайтда марказ 1000 нафар ўқувчини ўз атрофига жипслаштирган бўлиб, 11 та йўналишда машғулотлар олиб бориляпти. Ёш истеъдодларнинг маҳоратини ошираётган 45 нафар устоз-мураббийлар аллақачон анча-мунча шогирдларни етиштириб қўйишди, — дейди марказ директори Аҳмадjon Музаффаров.

Мухбиримиз

ҲАЁТИЙ МАВЗУДА МАЪРУЗАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Абдулла Қодирий номидидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳамкорлигида оналар ва болалар йилига бағишланган «Баркамол авлод тарбиясида ёшлар маънавияти» шиори остида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.


Ушбу анжуманда республика Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломованинг «Оила маънавияти ва ёшлар тарбияси», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаевнинг «Ёшлар жамият таараққиётининг пойдевори», тиббиёт фанлари док-

тори, профессор М.Содиқованинг «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тиббиёт ходимларининг ўрни», Тошкент Давлат юридик институти доценти Иноғомжонованинг «Оила кодекси ва ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси», тарих фанлари доктори, профессор А.Мавруловнинг «Ёшлар тарбияси ва умуминсоний қадриятлар» мавзусидаги маърузаларини талаба-ёшлар иштиёқ билан тингладилар.

Институт ректори Азиз Тўраев мунозарали ўтган ушбу анжуманда ҳаётимизнинг энг долзарб муаммоларини ечишда олийгоҳ профессор-ўқитувчилари, талабалар фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидлади.

К.АБДУРАҲМОНОВ

Ёзги таътил вақти эди. Бир куни Сирдарё туманидаги 6-ўрта мактаб раҳбари Усмонжон Ворисовни учратиш қолдим. Бир кўлини боғлаб, бўйнига осиб олибди. Сабабини билсам, мактабни таъмирлаётган пайтида лат еган экан. Унга тезроқ соғайишни тилаб ҳайрландим бу тиниб-тинчи-



лар билан таъминлаш ишларида оталиқ ташкилот — "Сирдарё вино заводи" ҳиссадорлик жамияти катта ёрдам кўрсатмоқда.

Мактабда ишнинг яхши йўлга қўйилишида мактаб фидойиси, Халқ таълим аълочиси Усмонжон Ворисовнинг хизматлари катта эканлигини яна бир бор таъ-

МАКТАБ ФИДОЙИСИ

мас, ғайрати ичига сизмаган шогирдим ҳақидаги ўйлар ҳаёлимни банд қилди.

Усмонжон 1970 йилда педагогика институтини тугаллаб, тумандаги 35-мактабда иш бошлаган эди. 7 йилдан сўнг ушбу мактабга директор этиб тайинланди. Одамлар Усмонжоннинг елиб-югуриб 4 ой деганда 720 ўринли 6-мактаб янги мактаб биносини қурдирганлигини яхши эслайди. 1984 йилда унинг ўзи ҳам 6-ўрта мактабга раҳбарликка ишга ўтказилди. Айни пайтда ушбу мактабда 50 нафардан зиёд ўқитувчилар 700 нафарлик таълим-тарбия бермоқдалар. Мактабда ишлар тўғри ташкил этилганлиги сабабли таълим-тарбияда яхши са-

мараларга эришилмоқда. Ўқувчиларнинг олий ўқув юртига кириш ва барча фанлар бўйича олимпиадага қатнашиш кўрсаткичлари яхши. Мактаб "Йил мактаби" танлови эълон қилинган илк йили, яъни 1999 йилда туманнинг энг яхши мактаби, деб топилган эди.

Инглиз тили чуқур ўргатиладиган бу таълим муассасаси рейтинг бўйича тажрибасинов майдончасига ҳам айлантирилган. Таълим сифатини оширишда Азиза Рўзиқуллова, Лола Шокирова, Насиба Абдураззоқова, Насиба Мирзааҳмедова, Муҳайё Ражабова, Дилбар Бозорова каби мураббийлар меҳнати сезиларлидир. Таъмирлаш ва ўқувчиларни дарслик-

кидлаб ўтишни истардим. Усмонжон ташкилотчилиги боис, нафақат ўз мактаби, шу билан бир қаторда тумандаги яна кўплаб мактабларнинг қурилишида ва газлаштирилишида, таъмирлашда катта ёрдами тегадиган инсон. Ўзида борини мактабдан аямайди. "Битта тўй қилмасам-қилмадим, пулига ўтган йили мактабимизнинг иссиқлик тизимини янгиладим. Болалар қишда ҳам яйраб ўқиши керак", дейди Усмонжон.

Мактабга, болаларга умрини, борини бахшида этишга шай шундай инсонлар орамизда борлиги кишини қувонтиради.

Амакбой КҲЧАРОВ,
Ўзбекистон халқ
ўқитувчиси

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Агар у ҳаёт бўлганда шу кунларда 80 ёшлик тўйини нишонлаётган бўларди. Хушсурат, бу файзли инсон бутун онгли ҳаётини, фанга, республикамиз учун автомобиль транспорти ва йўл қурилиши бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга бағишлади.

Сўз Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти бўлган — Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг ташкил этилишида фаол иштирок этган ҳамда унинг биринчи ректори бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, республика Давлат мукофотининг совриндори, техника фанлари доктори, профессор Абдусалом Муталибов ҳақида бораётимиз. У 1921 йил 15 июлда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. Абдусалом Муталибовнинг ҳаёти осон кечмади. У 1938-1941 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида ўқиди. 1941 йил январидан ўқишни Белоруссия политехника институтининг механика факультетида давом эттираётган пайтда урушга отланди.

Уруш тугагач олий ўқув юртини тамомлаб, аспирантурада ўқиб, 1953 йилда номзодлик диссертациясини ёқлайди. Бир неча лавозимларда фаолият кўрсатган А.Муталибов 1972 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли равишда ҳимоя қилди.

Абдусалом Муталибов 1972-1985 йилларда Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг ректори этиб тайинланди. Институтнинг эски биносини жиҳозлади. Мовароуннаҳр кўчасидаги 2 та 10 қаватли янги замонавий бинонинг биринчи ғишти-

ни қўйишдан бошлаб, то уни қуриб битказишгача бўлган оғир ва машаққатли жараёни у моҳирлик билан бошқарди. Институтнинг кафедре ва лабораторияларини энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга бош-қош бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида 2 та фан доктори, 15 дан ортиқ фан номзодлари диссертацияларини ҳимоя қилдилар. У 5 та монография 100 дан ортиқ илмий ва услубий мақолалар яратди. 24 та ихтиро шаҳодатномаларини олди. Уларнинг кўпчилиги АҚШ, Англия, Германия ва Япония каби мамлакатларнинг патентларига сазовор бўлди.

Абдусалом Муталибов институтга раҳбарлик қилган йилларда ёшларни юксак маънавий идеаллар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилди. Адабиёт ва санъат намояндлари билан кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Абдусалом Муталибов 1985-1995 йилларда ўзи ташкил этган "Автотракторлар двигателлари" кафедрасининг мудирини вазифасида ишлади. У қайси вазифада ишлаган, ўз касбига садоқатли юқори малакали мутахассис, жонкуяр раҳбар, меҳнатсевар олим, тажрибали педагог сифатида кўпчиликнинг самимий ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлди. Уни билган ва у билан ишлаган, ундан таълим-тарбия олиб, ҳаётда ўз ўрнини топган одамлар Абдусалом Муталибов номини ҳамон фахр билан тилга оладилар. Чунки унинг мазмуни ҳаёт йўли ёшлар учун ибратли бўлиб қолмоқда.

Ўткир ШОКИРОВ,
профессор

Xotira

Республикада илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, кўплаб юқори малакали шогирдлар тарбиялаб етиштирган уз илмий тадқиқотлари маҳсули билан хурмат қозонган олим, марҳум устоз академик Акбар Отахужаев молекуляр оптика ва суюқ ҳолат физикаси соҳасида кўп йиллар давомида илмий изланишлар олиб бориб, муҳим илмий натижаларга эришди ва у бу соҳадаги йирик кашфиётлар муаллифидир.

"Яхшидан бог қолур" дейди доно халқимиз. А.Отахужаев Самарқандда илм-фанни ривожлантириш, СамДУ салоҳиятини юксалтириш йўлида фаолият кўрсатган жонкуяр инсонлардан бири эди. Унинг ташаббуси билан СамДУда илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида 1960 йилда муаммолар лабораторияси ташкил қилинди. Бу маскан ҳозирги кунда оптика ва спектроскопия соҳасида юқори малакали кадрлар — фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш ҳамда чуқур илмий изланишлар борасида дунёнинг нуфузли лабораториялари сафидан урин олган. Мазкур лаборатория Германиянинг Гейдельберг университети

физика институти ҳамда АҚШ Огайо университети физика факультети билан илмий ҳамкорлик бўйича шартномалар тузган. Россиянинг етакчи илмий марказлари билан алоқалар йўлга қўйилган. Устоз раҳбарлигида ва ҳолисона кумаги билан 9 нафар фан доктори, 30 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда СамДУда хорижда ҳам танилган оптиклар илмий мактаби шаклланди.

Устоз узоқ йиллар (1972-1986) СамДУ ректори лавозимида ишлади. Ана шу даврда у университет моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, ўқув ва илмий лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига, янги ўқув бинолари ва бошқа иншоотлар қурилишига катта эътибор қаратди. Физика-химия факультетлари биноси, 9 қаватли бош бино қурилишлари шулар жумласидандир.

Устоз А.Отахужаев ҳаётлик даврида "Молекуляр оптика бўйича Урта Осиё Республикалари ва Қозғистон минтақавий семинари" мунтазам фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда Республика фан ва техника давлат кумитаси, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, университет раҳбарияти ҳамда

ҳомийлар кумаги билан бу семинар "Молекуляр спектроскопия бўйича Миллий анжуман" номи билан юритилмоқда. Унда қатор ривожланган хорижий мамлакатлардан ҳам олимлар иштирок этишади. Келгуси ҳафтада Самарқанд давлат университетида академик А.Отахужаев таваллудининг 75 йиллиги бағишлаб "II молекуляр спектроскопия бўйича миллий анжуман" ўтказилади. Мазкур анжуман ишида АҚШ, Англия, Германия, Польша, Россия каби давлатлардан нуфузли олимлар иштироки режалаштирилган.

Инсондан қоладигани яхши номдир. Тирликлар олдидан қарз, оламдан утиб кетган инсонларнинг руҳини ёд этиш экан, марҳум устоз Акбар Отахужаев ҳам бизнинг хотирамизда яшайди. У киши амалга оширилмаган ишлар тухтаб қолгани йўқ, шогирдлари давом эттиришмоқда.

Абдувоҳид
ЖУМАОБОВ,
АҚШдаги халқаро
CRDF грант
совриндори,
профессор.
Шавкат
УМИДУЛЛАЕВ,
ассистент

БОЛА ТИРИШҚОҚ БЎЛАДИ



Уни фақат йўналтирмоқ лозим. Ярим асрдирки, Қарши шаҳрида жойлашган Амир Темур номидаги мактаб жамоаси ана шу тамойилга амал қилиб келаётир. Кўпчилик истиқлол йилларида бу жамоада кўп ўзгаришлар бўлганини қайд этишмоқда. Гап шундаки, 1992 йилнинг 9 апрелида мактабга соҳибқирон Амир Темур номи берилиши барча учун тарихий воқеа бўлди. Бу номни оқлаш лозимлигини яхши тушунган мактаб раҳбарияти, ўқитувчилари таълим-тарбияни янада яхшилаш мақсадида чуқур изланишлар олиб боришаётир. Мактаб раҳбари Ҳалима Жалилованинг ташаббуси билан мактабдан ташқари ишлар жонлантирилиб, баҳс-мунозара клублари, тўғарақлар ташкил қилинди. Натижада мактаб ўқувчилари кўрик-танловларда юқори ўринни эгаллаб бошладилар... Мустақил юртда ҳар қандай самарали меҳнат беиз кетмайди. Айни кунда опанинг кўксини "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони безаб турибди.

Суратда: таълим фидойиси Ҳалима Жалилова ўқувчилари билан.

ОСОЙИШТАЛИК ҚИДИРАЁТГАНЛАР

БМТ Бош котибининг инсонпарварлик масалалари бўйича ўринбосари Кендзо Осима Техронда Эрон ҳукумати раҳбарлари билан афгон қочоқларини мамлакатга киритиш юзасидан музокаралар ўтказди. Боиси, Американинг Афғонистонга уюштиражак ҳужумидан хавфсираган минглаб кишилар уй-жойларини тарк этиб, кўшни давлатларга чиқиб кетишга уринмоқдалар. Бош котиб ўринбосари нафақат Эронни, балки бошқа кўшни давлатларни ҳам ўз чегараларини очишга чақирди.

Бундан аввалроқ эса Эрон 2 миллионга яқин афгонларни ўз худудига киритишга рухсат берган эди. Айти дамда Афғонистонга халқаро ҳамжамиятнинг, жумладан БМТ, Буюк Британия, Россия давлатларининг биринчи инсонпарварлик ёрдамлари юборилди.

БОШ
ВАЗИРНИНГ
САФАРИ

Кеча Москвада Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин билан учрашди. Икки томон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида асосий эътибор бугунги кунда инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдираётган терроризм балоси, шунингдек, АКШнинг Афғонистонга уюштиражак ҳарбий амалиётларига қаратилди. Бугун эса, Тони Блэр Исломободда Покистон раҳбари генерал Парвез Мушарраф билан музокаралар олиб боради, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

ИҚТИСОДИЙ
ЗАРАР

11-сентябрь кун террор хуружи туфайли АКШда яшовчи энг бой кишилар ҳам молиявий жиҳатдан зарар кўрдилар. «Fonbves» журналининг ёзишича, Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон савдо маркази кулаганидан сўнг 50 нафар миллиардер 44 миллиард доллар микдоридан зиён кўрди.

ЯҚИН ШАРҚДА ЯНА ТЎҚНАШУВ

Иордан дарёси Фарбий қирғоғида жойлашган Хеврон шаҳридаги муқаддас қадамжолардан бирида яҳудийлар байрами муносабати билан ибодат қилаётган кишиларга қарата қуролланган кишилар ҳужум уюштирдилар. Натижада икки нафар исроиллик яраланди. Шунингдек, Шарқий Куддус томон ҳаракатланган автомобилга ҳам ҳужум қилиниши туфайли ҳайдовчи оғир жароҳатланди.

Ундан аввалроқ эса Исроил танклари ҳамда вертолётлари Фазо минтақасидаги фаластинликлар истиқомат қилувчи аҳоли пунктига бостириб киришлари оқибатида 6 нафар киши ҳалок бўлган эди.



ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Эндиликда Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ўртасида халқаро терроризмга қарши курашиш учун хавфсизлик масалаларидаги ҳамкорлик кенгайтирилади. Бу борада Владимир Путин Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари саммитида иштирок этганида келишиб олинди. Шунингдек, Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун қўйилган Россия талаби ҳам жорий йил охирига қадар ҳал этилиши мумкин.

Бундан ташқари, президент В.Путин НАТО бош котиби Жорж Робертсон билан ўзаро муносабатларни кучайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Nobel mukofoti sohiblari

икот ишларини ўтказиш учун жуда қулай эди. Олинган натижалар асосида Т.Морган дрозозофилларнинг наслий белгиларини учта асосий ва бир-бирига боғлиқ бўлган гуруҳга ажратиб чиқди. Асли ўзи цитология (хужайраларни ўрганувчи фан) соҳасида мутахассис бўлгани боис, дрозозофиллар тўқималарида учта катта хромосомалар борлигини яхши билар эди.

Бир неча йиллар ўтиб, дрозозофилларда унча катта бўлмаган яна бир хромосома борлиги аниқланган. Шундай қилиб, Т.Морган генлар хромосомаларда бўлишини аниқлади. Хромосома деганда нимани тушунамиз? Хромосома - бу хужайра ядросининг структура элементлари бўлиб, таркибиде организмдаги ирсий ахборотларни ташийдиган ДНК бўлади. Т.Морганнинг аниқлашича хромосомада генлар чизикли тартибда жойлашган бўлади. Уларнинг аниқ структуравий ту-

бу организм ирсий хусусиятларининг табиий ҳолда вужудга келадиган ёки сунъий йўл билан ҳосил қилинадиган ўзгаришларидир. Асосан хромосомалар ва генларда қайта тузилиш ҳамда бузилиш натижасида содир бўлади. Бу масалани чуқур ўрганган олим, Т.Морганнинг ўқувчиси Г.Ж.Мёллер эди.

Дрозозофиллар билан ўтказилган тадқиқотлардан етарлича тажриба орттирган Г.Мёллер мутацияни ўрганишга астойдил киришди. Унинг олдида турган асосий масала мутациянинг юз бериш сабаблари ва уни сунъий ҳосил қилиш мумкинлигини аниқлашдан иборат эди.

Мёллер дрозозофилларни турлича ташқи таъсирлар остида ўрганди ва температура ортиси билан мутация юз бериши ҳамда кўпайишини аниқлади. Кимё қонунларидан маълумки, температура ортиси кимёвий реакцияларнинг тезлашишини ҳам таъминлайди. Шу сабабли ҳам Г.Мёллер қаттиқ таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдалана бошлади. Аввалига ёруғлик нурлари ва 1926 йилдан рентген нурлари билан тажрибаларни давом эттирган олим кутилмаган янги натижалар олди. Бу тадқиқотлар тадиобиология фанига асос бўлди. Шу тариха Г.Мёллер дрозозофил наслчилигида юз фоизли мутацияга эришди. Бу эса табиий ҳолда юз берадиган мутация частотасини минг марта ошириш демакдир. Шундай қилиб, Г.Мёллер эволюция жараёнларига таъсир ўтказиш йўлини топиб уни тезлатишга эришди. Бу унинг ёшлиқдан ўйлаб юрган юксак ордуси эди. Сунъий мутация олиш усули селекционерлар ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Унинг муаллифи бўлган Г.Мёллери дунёга танитди. Г.Ж.Мёллер 1946 йили физиология ва тиббиёт соҳасидаги улкан ютуқлари учун Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Шу соҳадаги бошқа Нобел мукофоти соҳиблари билан сизни кейинги мақолаларимизда таништирамиз.

Иброҳим КАРИМОВ,
Физика - математика
фанлари доктори,
Абдумажит ТЎРАЕВ,
Физика - математика
фанлари номзоди

ГЕНЕТИКАНИНГ
ТУҒИЛИШИ

Тиббиёт ва биология фанларининг ривожланишида генетика муҳим соҳа ҳисобланади.

Генетика соҳасига асос солиниши ва шу соҳада қўлга киритилган ихтиро ҳамда кашфиётлар тўғрисида сўз бошладан олдин генетиканинг ўзига таъриф бериб ўтамиз.

Генетика (юнонча ирсий омил) - организм ирсияти ва ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳамда уларни бошқариш методлари тўғрисидаги фан. Генетика бир қатор соҳаларга, шу жумладан тадқиқот объектлари бўйича микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам генетикасига бўлинади. Генетика ирсият ва ўзгарувчанлик ворисликдан ҳамда хужайра ичидаги мураккаб тузилмалар шаклининг ўзгаришидан келиб чиқишини кўрсатиб беради. Дунё тузилишини билишга ва материянинг физика, кимёвий ҳамда биологик шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни исботлаб беради. У эволюцион таълим, цитология, молекуляр биология ва селекция билан чамбарчас боғлиқдир. Генетика фанининг юзага келиши тарихига назар ташлаганда, бу соҳада дастлабки илмий тадқиқотлар ўтказган англиялик селекционер Томас Найт, франциялик олимлар Огюстен Сажре ва Шарл Ноденлар номларини эслаб ўтиш жоиз. О.Сажреннинг асосий кашфиётлари наслдан-наслга ўтадиган наслий белгиларни ўрганишга бағишлангандир. Т.Найт ва Ш.Ноденларнинг илмий ишлари эса асосан турли навларнинг бир-бирига чатиштириш муаммоларига тегишли бўлган. Лекин улар ҳам О.Сажре каби ўз тадқиқотларини ўсимликлар билан ўтказдилар. Бу эса асосий мақсадга эришишга бир оз қийинчилик туғдирди. Лекин шунга қарамай, бу олимларнинг қўлга киритган ютуқлари генетика қонунларини яратишда асосий манба бўлиб хизмат қилди. Ишончли натижалар олиш учун аввало қўйиладиган масалани тўғри талқин қилиш ва аниқ тадқиқотлар қилиш зарур эди. Бу ишни чехиялик ҳаваскор-тадқиқотчи Грегор Иоганн Мендел ўз тажрибаларида қўйилмақом қилиб уддалади. У ўзининг 1856-63 йиллари ўтказган изланишларини олдиндан жуда синчковлик билан режалаштирган. Г.Мендел аввало жуда қулай тажриба ўтказиш объектини танлади. Бу оддий

нўхат эди. Бир неча йил давом этган тажрибалар асосида олинган натижалардан у биринчи авлод ҳукмронлиги билан боғлиқ қонуниятларни кашф қилди ва бу нарса кейинги авлодлар бўйича тақсимланишига боғлиқ бўлмаслигини кўрсатиб берди.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида генетика соҳаси жуда тез ривожланди. Классик генетика анализи ҳали ўйлаб топилмаганлиги боис, бу вақтда наслчилик соҳасидаги изланишларда англиялик олимларнинг биометрия мактаби яратган ғоялар устун бўлиб турган эди. Бу мактаб вакиллари математик статистикадан усталик билан фойдаланганликлари билан масаланинг биологик томонларига кам эътибор берар эдилар. Улар асосан жараёнлардаги белгилар ичида кўрсаткичларнинг ўртача қиймати билангина чегараланар эдилар. Шу даврда ижод қилган олимларнинг бир-бирига зид бўлган ғояларни олға суриши кўп тушунмовчиликларни келтириб

чиқарди. Айнан шу қарама-қаршиликлар таъсирида янги кашфиётлар пишиб етилди. Бу кашфиётни Колумбия университети профессори Томас Морган амалга оширди. У тўқималарда юз берадиган жараёнларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар натижаларини статистика маълумотлари билан умумлаштиришга эриша олди. Т.Морган генетика соҳасидаги ўз тадқиқотларини 1909 йилидан бошлади. Тажриба ўтказиш учун у университетдаги дўстлари ёрдамида тез кўпаядиган тирик жонзод сифатида «дрозофил меланогастер»ни танлади. Бу меваларда учрайдиган оддий майда пашшадир. Колбага жойлаштирилган дрозозофил жуфтлигини тўла ҳаётий талаблар билан қондириш учун бир бўлак банан етарли эди ва 12 кундан сўнг уларнинг сони 1000 тадан ортади. Улар ўзларининг ташқи тузилиши билан генетик тадқ-

зилишини фақат хужайранинг бўлиниш жараёнида микроскоп орқали кузатиш мумкин. Хромосома ўзига хос шакл ва ҳажмга эга бўлади.

Т.Морганнинг ажойиб кашфиётлари генетиканинг ривожланишида катта тўртки бўлди. Янги фан Т.Морган яратган дастлабки назариялар билан янада бойиди ва бутун жаҳон олимлари томонидан тан олинди. Каролина институти қошидаги Нобел кўмитаси қарори билан 1933 йили Томас Морганга физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофоти берилди. Т.Морган ўтказган тажрибаларда дрозозофилларнинг бир неча мингтадан биттасида янги мутация юз бериши кузатилган. Генлар тўғрисидаги назариянинг ривожланиши билан мутация юз беришида ирсий ахборотларни ташийдиган моддаларда қандайдир кимёвий ўзгаришлар ҳосил бўлиши аниқланган. Мутация -

Айни вақтда Россия Федерал кучлари Чеченистондаги жангари гуруҳларни тугатиш мақсадида кенг қамровли ҳарбий операциялар ўтказмоқда. Ҳозирга қадар расмий Москванинг бундай сиёсатини танқид остига олган

ФАРБ ИЖОБИЙ БАҲОЛАМОҚДА

Фарб давлатлари Европа Иттифоқининг саммитида ўзларининг бу борадаги қарашларини ижобий томонга ўзгартирдилар.

Грозний шаҳрида эса жиноятчи тўдалардан бирининг раҳбари Мацев хибсага олинди, уйдан кўп микдордаги ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва бир неча гранаталар топилди, дея хабар берди "Новости" ахборот маҳкамаси.

АВТОҲАЛОКАТ

Американинг "Greyhound" компанияси-га қарашли автобус Теннеси штатининг Манчестер шаҳри яқинида ҳалокатга учради. Боиси, номаълум шахс томонидан ҳайдовчи бўғизлаб қўйилганидан сўнг автобус ҳаракат йўналишини йўқотиб, ағдарилган. Натижада 16 нафар киши ҳамда жиноятчи воқеа содир бўлган жойда ҳалок бўлган. Ҳозирда фожеа сабаблари ўрганилаётган бўлиб, "Greyhound" компанияси вақтинчалик барча йўналишдаги автобуслари ҳаракатини тўхтатиб қўйди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида "Ўзбекистонга бағишлов" деб номланган халқаро бадий кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тошкентда очилган бу халқаро кўргазма "Биенноле—2001" кунлари Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилаётгани эътироф этилмоқда.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рискитилла Ақромов очар экан:

— Муштақиллик йилларида Ўзбекистон маданияти ва санъати мисли кўрилмаган тарзда юксалди. Халқаро доирада юзага келган янги йўналиш ва услублар билан бойиб, замонавий ўзбек санъатининг эркин ижод сарҳадларини намойиш этди, умумжаҳон жараёнида ўзига хос ўрин эгалламоқда. Шунинг учун ҳам бундай халқаро бадий кўргазма пойтахтимизда ўтказилмоқда, — деб таъкидлади.

Кўргазмада Европа, Осиё, Африка мамлакатлари рассомларининг замонавий асарлари намойиш этилмоқда ҳамда машҳур галереячилар ва санъат танқидчилари иштирок этишмоқда.

САНЪАТ — ИНСОНЛАРВАРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ

Замонавий санъатнинг кенг кўламли услуб ва йўналишлари бўйича 20 та хорижий мамлакатдан келган санъат усталарининг ўзига хос санъат лойиҳалари ва аънавий рангасвир асарлари кўргазмадан жой олган.

"Биенноле—2001" дастури бадий кўргазмадан ташқари бир нечта кичик тадбирларни ҳам ўз ичига олган. 3 октябрь куни ЎзБА санъатшунослик илмий тадқиқот институтида "Замонавий бадий жараён — долзарб муаммолар ва йўналишлар" мавзуда ҳам илмий-амалий анжуман ўтказилди. Илмий анжуманда Биеннолега қатнашаётган мамлакатларнинг замонавий санъати ҳақида маълумотлар берилди.

Мунозараларда санъат танқидчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бир қатор ривожланган давлатлар — АҚШ, Франция, Япония, Жанубий Корея, Миср, Швейцария, Германия, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Эстония ва бошқа мамлакатлар рассомлари иштирок этишди.


Бу тадбирдан ташқари Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан иштирокчиларни таништириш мақсадида музейларга, театрларга, қадимий шаҳримиз Самарқандга ҳам ташриф буюриш кутилмоқда.

Хуллас, Бадий академияга ташриф буюрсангиз, халқаро ижод намуналарини кўриш билан бир қаторда ҳамюртларимизнинг янги хусусиятга эга бўлган лойиҳаларига ҳам кўзингиз тушади. Айниқса, Дамир Рўзиевнинг ижоди бўлган "Қум денгизидеги балиқлар нажоти" асари томошабиннинг кўз олдига "Орол фожиаси"ни келтириши, шубҳасиздир. Бу оддийгина бир мисол эди, холос. Бундан ташқари 200 дан ортиқ санъат асарлари кўргазмада намойиш этилаётганини ҳам асло унутманг! Кўргазма 17 октябргача давом этади.

Шерзод АХМАТОВ,
"Маърифат" муҳбири

"ЗАРАФШОН"ДА ЎЗБЕК МУМТОЗ КЎЙЛАРИ ЯНГРАЙДИ


Санъаткорнинг халқ билан, томошабин билан юзма-юз бўлиши унинг ижодига ижод қўшади, янги-янги қўшиқлар яратишга ундайди. Томошабин олдидаги масъулият ҳисси кучайгач эса, қўшиқчи энг сара, қалбга "оқиб кирадиган" қўшиқлар яратиш учун изланади. Шунданми, барча санъаткорлар, театр ва кино усталари доимо ўз муҳлислари билан мулоқотда бўлиб туришга ҳаракат қилишади.



11-12 октябрь кунлари пойтахтнинг "Зарафшон" концерт залида Ўзбекистон халқ ҳофизини, элимизнинг ардоқли санъаткори **Ўлмас Саиджонов** ҳамда **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўқтам Аҳмедовлар** катта концерт дастурини намойиш этишади.

Бу дастурда халқимиз азалдан ардоқлаб келадиган, севиб тинглаётган бир қатор мумтоз қўшиқлар, ҳофизларнинг янги ижод намуналари йиғилганларга ҳавола этилади.

Ўйлаймизки, ушбу концертга ташриф буюрган томошабинлар мириқиб ҳордиқ чиқаришади.



ОРЗУЛАРИ УЛКАН ЁШ ИСТЕЪДОД

Яқинда телеэкран орқали кўп қисмли "Сардор" видеофильми намойиш этилди. Ушбу видеофильмда бош қаҳрамон — Ўқтам ролини ижро этган Улуғбек Юнусов ёш бўлишига қарамасдан катта истеъдод соҳиби эканлигини намойиш этди. Биз унинг бугунги кунда нималар билан машғул эканлигига қизиқиб, қисқача суҳбатда бўлдик.

— Сизнинг санъат соҳасига кириб келишингизга сабабчи бўлган инсонлар кимлар?

— Санъатга кириб келишимга сабабчи бўлган инсонлар дадам ва қариндошларим. Болалигимда кўпроқ тадбиркор бўлишни орзу қилардим. Бувам Машраб Юнусов ва амаким Темурмалик Юнусов менга ёшлигимдан санъат ҳақида тушунча бера бошлашган. Илк бора мактабда кўйилган спектаклларда иштирок этдим. Кейинчалик эса, ўзим спектаклларга сценарий ёза бошладим. Аста-секин санъат соҳасига қандай қилиб кириб қолганлигимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

тёрнинг характери ўйнайдиган ролига асло таъсир этмайди.

— "Сардор" видеофильмида илк бора суратга тушингиз экан. Фильм жараёнида сиз қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

— Агар, ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмадим десам, ҳато бўлади. Лекин Ўқтам ролини ижро этиш жараёнида ҳеч қандай тўсқинчиликлар учрамади. Чунки менинг акам ҳам ҳозирда ҳарбий хизматда. Ундан ташқари "Сардор"ни олиш жараёнида менга ҳарбий хизматдаги курсантлар ҳам катта ёрдам беришди. Қийинчиликларни енгишга иложи борича ҳаракат қилдим.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Келгусидаги режаларим, устозларим ишончларини оқлаб, Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнашига оз бўлса ҳам ўз ҳиссамни қўшиш.

Мухлиса
МУХИДДИНОВА
суҳбатлашди.

"ПИАНИНОЧИ АЁЛ"

Ҳар қандай бадий фильм ҳам ҳар қанақа фестивал олдидан кенг жамоатчиликка, кино ва санъат танқидчиларига намойиш этилади. Томошабинлар фикридан сўнггина, фильм кўриқ-танловларда, фестивалларда қатнашиши мумкин. Лекин...

Кани кинофестивалининг энг шов-шувли воқеаси деб, бу йил, яъни кинофестивалдан сўнг Москва киноэкранларига чиққан "Пианиночи аёл" фильмининг Гран-при олиши ва "энг яхши аёл ижрочи", "энг яхши эркак ижрочи" деб шу фильмда бош роллари талқин этган санъаткорлар Изабель Юппер ва Бенуа Мажимеллар топилганлигини айтиш мумкин.

Бу фильмнинг бу қадар муваффақият қозонишини му்தахассислар нима билан изоҳлашни билишмаяпти. Сабаби, фильм Москвада фестивалдан аввал фақатгина тор доирада намойиш этилган эди. "Пианиночи аёл"ни кўришга ҳаттоки, журналистлар ҳам ҳеч қандай имконият тополмаган эдилар. Кинотанқидчилар эса фестивалдан сўнг бир-бирларини танқид қилиб ётишибди...

Шунақаси ҳам бўларканда.

Динара КАРИМОВА

ПЬЕР РИШАР КИНОДАН КЕТИБ РУС БАЛЕТИГА КЕЛДИ

Москвага таниқли киноюлдуз, комик роллар устаси Пьер Ришар ташриф буюрди. Пьер Ришар бу шаҳарга шунчаки саёҳат қилиш учун эмас, балки ўз эҳтирослари билан келди. Яъни у Москвага "Пьер Ришар эҳтирослари" деб номланган шоу дастурини олиб келди.

"Бу шоу фақат Россия учун ёзилган, — деб таъкидлади, Пьер Ришар, журналистларга берган интервьюсида. Париж учун ҳам эмас, Пекин учун ҳам".

У сахнада бир ўзи рақс тушади, рус халқ қўшиқларини куйлайди, фақатгина

муסיқали қисмда икки ўгли турли асбоблар жўрлигида унга ёрдам беради.

Ачинарлиси шундаки, бу шоу бор йўғи ярим соат давом этади. Учбурчак ичида жуда тез ҳаракат қилиш, рус балетини ижро этиш, сахнанинг белгиланган жойигача югуриб-бориб келиш, бу ҳаракатларнинг барчасини Пьер Ришарнинг яқка ўзи бажаради.

— Бу шоуининг сценарийсини ўзим ёзганман, сахнадаги барча ишларни ўзим бажараман. Бу шоуни ўтказиш менга кинода суратга тушишдан қизиқарлироқ кўринмоқда, — деди Пьер Ришар.

ФРАНЦИЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Яқинда, аниқроғи, 19 октябрдан Ўзбекистонда "Франция киноси кунлари" ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан куни кеча Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда бу тадбирга тайёргарлик ишлари, Ўзбекистонга келтириладиган бадий фильмлар, ташриф буюрадиган актёр ва актрисалар ҳақида савол-жавоб бўлиб ўтди.

Энди Ўзбекистонга келтириладиган фильмлар хусусида тўхталсак. Французлар Ўзбекистонга "Бовари хоним" фильмининг, Бомарше ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳикоя қилувчи яна бир ажойиб картинани олиб келишмоқчи. Бундан ташқари, бир нечта Франция тарихидан ҳикоя қилувчи тарихий жанрда суратга олинган фильмлар ҳам фестивалга келтирилади.

Ўзбек эстрадаси кун сайин янги номлар билан бойиб бораёпти. Баҳоликудрат ижод қилиб, ўз муҳлисларини топишга ҳаракат қилаётган ёш гуруҳлардан бири "Жозибас"дир. Лутфулла Аллақулов бошчилигидаги "Жозибас" гуруҳи билан суҳбатимиз куйидигача бўлди.

— Сизларни нима бирлаштириб туради? Абдугофир Камо-

лан бирга ўйлаб-ўйлаб, болаликдаги ўз жозибасини бизни бирлаштирган орзуларимиз рўёби учун гуруҳимизни "Жозибас" деб атадик.

— Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

Ақромжон Собитов: — Устоз оламдаги мавжуд маънавий хазиналар қалитини қўлида тутувчи инсондир. Бизнинг ҳар бир камчилигимизни топиб,

стакор ҳам қийналмайди, ажойиб куй ҳам вулқондек отилиб чиқади. Бизнинг вазирамиз шоир ва бастакор тайёрлаган қўшиқларни элнинг ораига етказишдир.

— Режаларингиз... Лутфулла Аллақулов: — Республика бўйлаб гастрол сафарига тайёрланаяпмиз. Ушбу сафаримиз тугагач, пойтахтда "Юлдуз-

ОРЗУЛАР ЖОЗИБАСИ

лов (гуруҳ хонандаси): — Гуруҳимизнинг асоси дўстликдан иборат бўлиб, бизни ижод ва болаликдаги орзуларимиз бирлаштириб туради. Ақром, Рустам ва мен Глиэр номидаги муסיқа мактаб-интернатида бирга ўқиганмиз. Биз ўша пайтларда "катта бўлганимизда, албатта, бирга гуруҳ тузамиз", деб орзу қилардик. Яхши ният, ярим давлат, деб доно халқимиз бежиз айтмайди. Холис ниятимиз амалга ошди. Продюсеримиз Лутфулла ака би-

йўл-йўриқ кўрсатиб турувчи устозимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахоновдир. Азим ака бизга миллий эстрада йўналишида қўшиқ айтишни ўргатдилар. "Отажоним", "Қадрдонлик камдан-кам" қўшиқлари шулар жумласидандир.

— Айтинг-чи, куйнинг элга манзур бўлишида хонанданинг улуши қанча бўлади?

Рустамжон Қодиров: — Бу ерда тарозининг палласини матн, яъни шеър босиб кетади. Энг асосийси, яхши шеър бўлса, ба-

лар" деб номланган концерт дастури бериш ниятимиз бор. "Кўз тегмасин" деб аталган илк альбомимизни чиқаришда яқиндан ёрдам берган "Радио Рекордс" студиясига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

— Тилақларингиз...

— Мухлисларимизга энг эзгу тилақларимизни тилаймиз. Уларга ҳеч қачон кўз тегмасин!..

Мухлиса
суҳбатлашди.

КУРАШ ҚАНОТ
ЎЙМОҚДА

Шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Ирландия пойтахти Дублин шаҳрида кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади. Туркменистонда эса 21-23 октябрь кунлари ўзбек кураши бўйича мамлакат очик биринчилиги ўтказилади. Унда полонлар 60, 66, 73, 81, 90 ва 90 дан юқори вазн тоифаларида, аёллар эса мутлоқ вазн тоифасида баҳс олиб борадилар.

КОЗОГИСТОНДАН
МЕДАЛЛАР БИЛАН

Козогистоннинг Актюбинск шаҳрида ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Икром Бердиев (81 кг) ва Руслан Саидов (+91 кг) олтин, Келдибек Ибейсинов (71 кг) бронза медалига сазовор бўлди.

ЗИДАН ЯНА
ЭНГ ЯХШИ

Италия футбол ассоциацияси "Ювентус" клубининг собиқ сардори, ҳозирда Испаниянинг "Реал" клубида тўп сураётган Зинеддин Зиданни ўтган мавсумнинг энг зўр футболчиси, деб эълон қилди. Иккинчи ўрин эса португалиялик Руи Кошта, учинчи ўрин аргентиналик Эрнан Креспога насиб этди.

ХОПКИНС МУТЛОҚ
ГОЛИБ

Профи-бокнинг ўрта вазни бўйича WBC ва IBF камарлари соҳиби америкалик Бернард Хопкинс ушбу вазн бўйича мутлоқ голибни аниқлаш учун WBA йўналиши бўйича чемпион Феликс Тринидад (Пуэрто-Рико) билан рингга чиқди. 12-раундда Тринидад нокаутга учраб, баҳсни тўхтатишга мажбур бўлди.



Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur

га шоир шундай жавоб берган:

"Спорт — бу майдон! Майдон халқнинг халқ сифатида бўй-бастини кўрсатувчи омил!

Руҳи кучли халқ — жисми кучли спортчиларни майдонга чиқаради!

Спортчиларнинг бурчи эса энг аввало ўз халқи шарафини ҳимоя қилишдир. Халқ қадр-қимматини баланг

нинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир. Мустақилликка эришганимиздан кейин туманимизда ҳам спортга бўлган эътибор кучайди ва ёшларимизнинг хоҳлаган спорт турлари билан шуғулланишлари учун спорт — соғломлаштириш маркази "Бахт-Руслан" каратэ клуби ўз ишини бошлади. Ҳозирги кунда 250 нафардан ортиқ

нов, Матлуба Айтимова, Тўлқин Курбонбаев, Дилмурод Эгамбердиев, Файрат Болшев, Сардор Файзуллаев, Хайбулла Ибрагимов ва Руслан Аметовлар туман, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон биринчилиги учун ўтказилган барча мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Бизнинг орзуимиз каратэ бўйича туман, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон республикаларида, қолаверса, Халқаро турнирларда иштирок этиб, ғалаба билан қайтадиган кучли спортчиларни тайёрлаш ва мустақил Ўзбекистонимиз байроғини бутун жаҳон узра янада баланг кўтариш, она юртимиз учун сиз қилган хизмат қилишдир.

Муҳаммад Собир
АЙТИМОВ суҳбатлашди.

МАРД
МАЙДОНДА
СИНАЛАДИ

кўтаришдир."


Бу сўзлар миямга бир умрга муҳрланиб қолган. Мен даставвал бу ўғитга шахсан ўзим амал қиламан. Қолаверса, 250 нафардан ортиқ шогирдларим ҳам шу бурчни ҳис қилишади.

— "Бахт-Руслан" каратэ клубини ташкил этишдан мақсад нима эди?

— Президентимиз И.Каримов "Спорт одамни мард, матонатли, бардошли қилиб тарбиялайди" деган эдилар.

Дарҳақиқат, спорт соғлиқ ва мардлик гарови. Спортга ёшларни жалб этиш ва уларга барча имкониятларни яратиб бериш биз мураббийлар

ўғил-қизларимиз спортнинг каратэ тури билан шуғулланмоқдалар. Шуниси қувончлики, шогирдларимдан Мақсет Юсупов, Руслан Хасанов, Одилбек Примов, Шоҳрух Аса

ЖЎЖА САНАЙДИГАН
ВАҚТ ЯҚИН...

Футбол оммавий спорт тури. Юртимизда баҳорда бошланган ЖЧ саралаш босқичи учрашувлари тобора поёнига етмоқда. 13 ва 19 октябрь кунлари ўтказилган Уммон ва Хитой билан бўладиган курашда фақат ғалаба қозонишгина Ўзбекистон терма жамоасини олий мақсад сари яқинлаштиради. Ҳа, яқинлаштиради. Чунки, бу "яқинлашиш" ҳам фақат ушбу ғалабаларга боғлиқ эмас. Футболдаги энг қийин ҳолат — бировнинг натижасини кутиш бугун ўзбек футболнинг бошида. Хўш, бировнинг натижаси қандай бўлиши керак? Бунинг учун Хитой-Қатар учрашувида мезбонлар қатарликларни

қуруқ жўнатишлари ва сўнгги турда айнан Хитой Ўзбекистонга ютқизиши шарт. Бу борада Хитой термаси раҳбари Бора Милутинович Ўзбекистонга ёрдам бермоқчи. "А" гуруҳида Эроннинг имкониятлари катта бўлганлиги боис эронликлар мураббийи Мирослав Блажевич ўз гуруҳида 2-ўринни олиши кутилаётган Саудия Арабистони терма жамоасини "плейофф" ўйинларини ҳам зафарли яқунлашига қодир ҳисобламоқда.

Биз эса кутишга мажбуримиз. Зеро, жўжани санайдиган вақтга ҳам жуда-жуда оз қолди...

ТАРКИБ АНИҚ

Европа клублари ўртасидаги баҳслар бу йил ҳар сафаргидан кўра қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

Асосий босқичга чиқиш учун ўтказилган саралаш баҳсларидан сўнг ҳозирча Словениянинг "Крка" клуби "С" гуруҳида кучли жамоалар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Уч босқичдан иборат саралаш беллашувларининг иккитасидан ўтган "Крка" Германиянинг "Телеком" жамоаси билан ҳал қилувчи курашда тўртта йўлланмадан бирини қўлга киритди. Яна бир йўлланма соҳиби "Хапоэл" (Исроил) ва "Шарлеруа" (Бельгия) клублари ўртасидаги жавоб учрашувида аниқланади. Дастлабки учрашувда бель-гияликлар ўз майдонида ғалаба қозонишди.

Евролига. Саралаш босқичи.

Жавоб учрашуви. "Телеком" (Германия) — "Крка" (Словения) — 71:73

Биринчи учрашув. "Шарлеруа" (Бельгия) — "Хапоэл" (Исроил) — 84:70

МАКТАБ-
ИНТЕРНАТГА
«ТИКО»

Давлатобод туманидаги футбол лицей-интернатига ҳомий ташкилотлардан бири бўлган "Намангантекстайл" ҳиссадорлик жамияти "Тико" энгил автомашинасини тақдим этди.

— Вилоят ғаллакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган тантанادا хўжаликларга оталиқ ёрдами курсатишда юқори натижаларга эришганимиз учун вилоят ҳокимлиги бизга "Тико" энгил автомашинасини совға қилган эди, — деди "Намангантекстайл" акциядорлик жамияти раиси А.Убайдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ўйлаб кўриб биз уни футбол, лицей-интернатига беришга қарор қилдик. Бу бизнинг ҳомий сифатида гамхўрлигимиз ифодасидир, — деди акциядорлик жамияти раиси.

Наманган вилояти,
"Туркистон-пресс"

МАҚСАДГА
БАРДОШ ОРҚАЛИ
ЭРИШИЛАДИ

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари сабаб эътиборимиздан бир қадар четда қолаётган чемпионатимиз ва кубок ўйинлари ҳам кундан-кунга "қисқармоқда." Миллий чемпионатимизда 28-турдан кейин Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси олий мақсад сари тобора яқинлашаётган бўлса, куни кеча Ўзбекистон кубогининг 2001/2002 йиллар мавсумида иштирок этаётган жамоаларнинг 1/8 финалига қуръа ташланди. Қуръа натижаларига кўра, 3 ноябрь куни куйидаги жамоалар беллашди:

"Академия" — "Хоразм"
"Қизилқум" — "Трактор"
"Шаҳрихон" — "Темирйўлчи"
"Цементчи" — "Анджон"
"Бухоро" — "Зарафшон"
"Дўстлик" — "Пахтакор" —
"Машвал" голиби
"Металлург" — "Насаф"
"Оҳангарон-С" — "Нефтчи"

Шуниси эътиборлики, нимчорак финалда биринчи лиганинг 5 (6) жамоаси "ака"ларига қарши тўп суради. Уларнинг "ним"даги бардоши даражасини 3 ноябрь куни билиб оламиз.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси шу факультетнинг "Этика ва эстетика" кафедраси катта ўқитувчиси Баҳодир ХУСАНОВГА отаси

ЭРГАШ аканинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

КРОССВОРД

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
560 ЙИЛЛИГИГАМарказий айлана бўйи-
ча:1. Буюк шоирнинг тўлик
исми.Марказий айланага ту-
ташган гул барглари бўйи-
ча:2. 1449 йили Навоий
оиласи билан қўчиб борган
шаҳар.3. Фарҳодга хунар ўргат-
ган устозлардан бири.4. Шеъринг асарининг бир
қисми.5. Навоийнинг маърифат-
парвар шоир паҳлавон Му-
ҳаммад ҳақида ёзган рисола-
си номининг биринчи сўзи.6. Жомий ва Ардашер
Навоийга дўст ва... эди.7. Эрамиздан олдинги
44 йили Антоний томонидан
қўйилган Иудия подшоҳи.8. "Хамса" таркибига
кирган кўпчилик шеъринг
асарининг аталиши.9. Навоийнинг 1470
йили вазирликдан... бери-
ши.10. Навоийнинг башорат
қилган нарсаси.11. Искандар жомидан
тарқаладиган нарса.12. Навоийнинг Абусаид Мир-
зо томонидан Хиротдан... (сур-
гун) қилиниши

13. Искандар... И.

14. Навоийнинг тоғаларидан
бири.15. Навоийнинг хуш кўр-
ган... таомлар.16. Навоий қурдирган мадра-
саларидан бирининг номи;

17. Яқкабош.

18. "... осон бу майдон ичра
турмоқ".19. Навоийнинг 1485 йили
ёзган "Хамса"нинг 5-достони
номининг биринчи сўзи.20. Навоийнинг ҳокимлик дав-
рида солиқларни... қилиши;21. "Фарҳод ва Ширин" дос-
тонидаги золим шоҳ.22. Навоий 1487 йили ҳоким
бўлган ва яшаган шаҳар.23. "Хамса"нинг 5-достони-
даги ижобий шоҳ образи.24. "Хамса" ёзган шоирлар-
дан бири.25. Навоий қурдирган кар-
вонсаройларининг аталиши.26. "Навоий" кинофильмдан
бир кўриниш "... ва чумоли".

27. Созланмаган, бузуқ.

Машрабжон БОТИРОВ
тузди.ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ СЕНИДА
БЕРИЛГАН "МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ"
КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИБелгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида:
1. Фитрат. 2. Фарғоний. 3. Бобур. 4. Кубро. 5. Аттор. 6. Фор-
бий. 7. Навоий. 8. Яссавий. 9. Яздий. 10. Шоший. 11. Коший. 12.
Саккокий. 13. Абай. 14. Бехбудий. 15. Румий. 16. Темур. 17. Фе-
руз. 18. Кошифий. 19. Нодира. 20. Беруний. 21. Жомий. 22. Ай-
ний. 23. Атоий. 24. Хоразмий.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Шод. 2. Аввал. 3. Муаллим. 4. Мехру. Куз. 5.
Камолот.

Ҳикмат: Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

Ko'ngil bitiklari

Розиман мард туғилса ўғлон,
Битта эмас, ўнта бўлса кам.
Қаршиман ноқобил фарзандга,
Кўпдир номард битта бўлса ҳам.

Ҳалқоб суви саёзлик-
дан қуриб битар,
Ховуз суви қишло-
вари сингиб битар.

Таълим олмай мулла бўлган эр йигитлар
Шу сувлардек нишон қолмай сўниб битар.

Қай ерда бўлса бирлик,
Аҳилда бўлмай хурлик.
Қай ерда ноиноқлик,
Кўринг ул ерда хўрлик.

Нигматилла ТўЛАГАН қори ўғли

Жилғалардек чопгин тўхтамай умрим,
Дарё бўлмоқликдир жилға нияти.
Ўйладингми ўзинг ҳақингда бир зум,
Ўтган онларингни борми қиймати?

Ёрингдан воз кечдинг топмоқ бўлиб бахт,
Топдинг ҳам гўзалдан гўзалроқ бошқа.
Қалбингда гунчалаб турган ўша аҳд,

Гул бўлмай бир куни
айлангай тошга.

Сен менинг кўлимда
олтиним бўлма,
Майли ярақламай
қолсин икки кўл.

Ўзингни узукка қиёс ҳам қилма,
Осиёдек гўзал куёшлигим бўл.

Чақмоқ нечун қисқа умр кўради,
Демак, яшаёлмаслигин биллади.
Ҳақсизликни кўриб шу лаҳза — онда,
Кўйиб кул бўлади, тамом ўлади.

Мавлон МАМАДАМИНОВ,
Ургут туманидаги
84-ўрта мактаб ўқитувчиси

ТЎРТЛИКЛАР



Ҳурматли Киёмиддин
АСОМИДДИНОВ!

Сизни 50 ёшга тўлган-
нингиз билан самимий
муборакбод этамиз. Ту-
манимиздаги 6-мактаб-
да олиб бораётган на-
мунали фаолиятингизни
эътироф этган ҳолда
сизга узок умр, соғлиқ,
оилавий хотиржамлик
тилаймиз.

Челак тумани ХТБ
жамоаси



Мухтарам Кодир
ЎРОЛОВ!

Сизни таваллуд кун-
ингиз билан табрик-
лаймиз. 22-мактаб жа-
моаси ўз ютуқларини
сизнинг ташкилотчи-
лик фаолиятингиз бил-
ан боғлаши бежиз
эмас. Бундан буён ҳам
омад, соғлиқ, муваф-
фақиятлар Сизга ҳами-
ша ёр бўлсин.

Челак тумани ХТБ
жамоаси



Ҳурматли Тўлқин ака
НИШОНБОЕВ!

Сизни таваллуд топган
кунингиз ва 50 ёшга тўли-
шингиз муносабати билан
самимий қутлаймиз. Ян-
гийўл туманидаги 28-ўрта
мактабда кўрсатаётган
фаолиятингизда ва келаж-
ак авлодни тарбиялаш-
дек масъулиятли ишингиз-
да муваффақиятлар ти-
лаймиз.

Доимо соғ-саломат
бўлинг, узок умр кўринг!
Ҳамкасбларингиз ва
яқин дўстингиз.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ
таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазирлиги, Таълим ва фан
ходимлари касаба
юшмаси Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана-
зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош му-
ҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахрид-
дин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТ-
ҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат
РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар
ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят
рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва
оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида
терилди. Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат Матбуот
Қўмитасида № 20 рақам
билан 12 июнь 1998 йил
рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2917. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босил-
ган, қозғоқ бичими А-3.

Босишга топшириш
вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00